Шуни таъкидлаш жоизки нормал ҳолатда ҳайвонлар юнги ўзига ҳос товланиши, одатда тери қопламасига ёпишган ҳолда бўлади. Диабетик панжали каламушлар динамик кузатувида 7-суткага келиб уларнинг умумий аҳволи бироз яхшиланганлиги, иштаҳанинг очилиши, активлик, тажовузкорликнинг камайиши, юнг билан қопланиш частотасининг ошиши, жароҳат битиши бошланганлиги, полиурия ва полидипсиянинг камайишини кузатдик. Таққослаш гуруҳида баъзида “groom” (ҳайвонлар юнгини ўзи тозалаши) пайдо бўлиши бунда юнгнинг ялтираши кузатилмади, ҳайвонлар тажовузкорлиги сақланиб қолди, тери юзасидаги жароҳат битмади. 10-суткага келиб композит коллаген қўлланган ҳайвонларда босқичма-босқич юнгининг тозаллиги тикланди, жароҳат юзаси эса тўлиқ битди. Эксперимент охиригача таққослаш гуруҳида ҳайвонларда апатиянинг сақланиши, ҳолсизлик, қафас бурчагида кўп вақт қолиб кетиш, қўлга олиб кўрилганда тажовузкорликнинг сақланиб қолиши, юнг билан қопланиш қисман тикланганлигини кузатдик.

Экспериментал ҳайвонлар умумий ҳолатини қуйидаги мезонлар бўйича йиғилган балларнинг ўртача арифметик қийматига қараб баҳоланди [87; 52-б.]. Бунда ҳаракат активлиги, товуш ва оғриқ таъсирига реакцияси, овқатланиш ва сув ичиш характериға қаралди (3.1-жадвалға қаралсин).

3.1-жадвал

Экспериментал диабетик панжа лаборатор ҳайвонлари умумий ҳолатини баҳолаш

Кўрсаткичлар	Кўрсаткичларнинг ифодаланиши	балл
Ҳаракат активлиги	ҳаракат белгилари йўқ	0
	суст ҳаракат белгилари бор	1
	нисбатан ҳаракатчанлик белгилари	2
	нормал ҳолатдаги актив ҳаракат	3
Товуш таъсирига реакцияси	реакция йўқ	0
	суст реакция белгилари	1
	ўртача реакция белгилари	2
	актив реакция белгилари	3
Оғриқ таъсирига реакцияси	реакция йўқ	0
	суст реакция белгилари	1
	ўртача реакция белгилари	2
	актив реакция белгилари	3
Овқатланиш характери	овқат истеъмоли йўқ	0
	суст овқатланиш	1
	ўртача овқатланиш	2
	актив нормал овқатланиш	3
Сув истеъмоли характери	сув ичмайди	0
	сувни ёмон ичади	1
	суткалик нормадан кам ёки кўп ичади	2
	одатий сув истеъмоли	3

Аллоксанли диабетик панжа каламушлари умумий ҳолатининг интеграл балл кўрсаткичи даво туриға боғлиқ бўлиб тажриба давомида барча

гуруҳларда ўзгариш тенденциясига эга бўлди. Диабетик панжа моделини даволаш давомида тажрибанинг 3-кунига келиб барча гуруҳ каламушларда уларнинг умумий ҳолатини интеграл баҳолаш кўрсаткичи бўйича ишончли фарқ қилди (3.2-жадвал).

3.2-жадвал

Экспериментал диабетик панжа лаборатор ҳайвонларининг умумий ҳолатини динамик баҳолаш

Баҳолаш кунлари	Ҳайвонлар умумий ҳолати (балл, $M \pm m$)			
	Ҳайвонлар гуруҳи			
	Интакт	Назорат	Таққослаш	Асосий
1	3,00	$1,89 \pm 0,13^{***}$	$1,90 \pm 0,08^{***}$	$1,91 \pm 0,08^{***}$
3	3,00	$2,11 \pm 0,15^{***}$	$2,12 \pm 0,15^{***}$	$2,45 \pm 0,14^{**}$
7	3,00	$2,53 \pm 0,18^*$	$2,55 \pm 0,14^*$	$2,63 \pm 0,14^*$
10	3,00	$2,83 \pm 0,11$	$2,85 \pm 0,15$	$3,00 \pm 0,0$
14	3,00	$2,84 \pm 0,16$	$2,89 \pm 0,08$	$3,00 \pm 0,0$

Изоҳ: * - интакт гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан фарқланиш ишончли (*- $P < 0,05$; **- $P < 0,01$; ***- $P < 0,001$)

Диабетик панжадаги яра жароҳатини даволаш (ярани стандарт тоза-лови+левомекол) таққослаш гуруҳи ҳайвонларининг ҳамда давосиз назорат гуруҳидаги кўрсаткичлар деярли тенг бўлиб ($P < 0,001$) умуман тажриба давомида деярли фарқ қилмади. Бунда ҳайвонлар умумий ҳолатини баҳолаш интеграл балларидан кўриниб турибдики таққослаш гуруҳига ўтказилган даво тажрибанинг 14-кунига келиб интакт каламушлар қийматига тенглашди.

Шунингдек асосий гуруҳ ҳайвонлари умумий ҳолатининг кўрсаткичлари тажрибанинг биринчи уч кунлигида назорат ва таққослаш гуруҳи қийматларига ўхшаш бўлиб ($P < 0,001$), тажрибанинг 10 ҳамда 14-кунига келиб интакт каламушлар умумий ҳолати кўрсаткичларига тенг бўлганини кузатдик.

Шундай қилиб юқорида келтирилган ҳайвонлар умумий ҳолатини интеграл баҳолаш мезонлари уларнинг обектив клиник ҳолатини аниқлаш имконини бергани ҳолда, ушбу динамиканинг сезиларли ижобий ўзгаришини асосий ва таққослаш гуруҳига нисбатан кузатиш мумкин.

Аллоксан билан индуцирланган “диабетик панжа”ли каламушларнинг композит коллагенсиз даво гуруҳида (назорат) тана вазни камайиши тенденцияси интакт гуруҳига нисбатан пасайиши кузатилди (3.3-жадвалга қаралсин).

Шу қатори тажрибанинг 3-7 кунларида интакт гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан диурезнинг 6-7 марта кўп ($P<0,001$) кузатилиши, сув истеъмолининг эса 5-6 марта ($P<0,001$) ошганлигини кузатиш мумкин. Кейинги кунларда полиурия ва полидипсия намоёнлиги босқичма-босқич камайди. Бироқ шунга қарамасдан бу кўрсаткичлар тажрибанинг 10-куни интакт каламуш қийматларидан 4,16 ($P<0,001$) ва 3,6 ($P<0,001$) марта, тажрибанинг 14-куни эса мос равишда 3,4 ($P<0,001$) ва 3,12 ($P<0,001$) марта ишончли ошганлигини кузатиш мумкин.

Диабетик панжали каламушларнинг таққослаш гуруҳида (жароҳатни анъанавий тозалашдан ташқари унга левомекол суриш) тана вазни камайиши сезиларли кузатилмади, полиурия ва полидипсия кўрсаткичлари тажрибанинг 1-3 кунларида назорат гуруҳи қийматидан аҳамиятли даражада фарқ бўлмагани ҳолда интакт каламушлар қийматидан 6-5,5 ($P<0,001$) марта ишончли равишда ошди. Бироқ, диурез секинлик билан камая бошлади: 1,38 ($P<0,05$); 1,84 ($P<0,01$) ҳамда 2,38 ($P<0,001$) марта назорат гуруҳига нисбатан, лекин интакт гуруҳига нисбатан даво бошланган кундан бошлаб 7, 10 ва 14 кунларига мос равишда 3,77 ($P<0,001$); 2,25 ($P<0,001$) ҳамда 1,43 ($P<0,05$) марта ошиқлигини аввалгидек сақлаб қолди. Шунингдек полидипсия ҳолати аста-секин сусая борди. Ҳайвонларда сув истеъмоли назорат гуруҳи кўрсаткичларидан 1-3 кунларида сезиларли фарқ қилмаган бўлсада аммо таққослаш гуруҳининг қийматларига нисбатан сезиларли (ишончли) юқори эканлигини кўриш мумкин.

Давонинг 7, 10 ва 14-кунларида биз ҳайвонларда сув талабининг камайганлик статистик аҳамиятини белгиладик. Шундай қилиб назорат гуруҳининг қийматларига нисбатан полидипсия статистик жиҳатдан сезиларли даражада 3,35 ($P<0,001$); 1,95 ($P<0,001$) ва 1,32 ($P<0,05$) марта

камайди. Аммо интакт гуруҳ каламушларнинг қийматларига нисбатан улар ҳали ҳам мос равишда 3,37 ($P<0,001$); 1,95 ($P<0,001$) ва 1,31 ($P<0,05$) марта ишончли ошиқлиги кузатилди.

3.3-жадвал

Экспериментал диабетик панжа лаборатор ҳайвонларида физиологик кўрсаткичлар динамикаси, $M \pm m$

Ҳайвонлар гуруҳи	Диурез, мл/кун	Тана вазни, гр	Сув, мл/кун
Интакт	10,65±0,38	235,6±7,8	12,65±0,43
Назорат гуруҳи			
1-кун	71,8±2,4***	235,9±7,9	73,8±2,6***
3-кун	68,0±2,2***	234,1±7,7	68,9±2,1***
7-кун	54,9±1,8***	231,6±7,5	54,8±1,8***
10-кун	45,0±1,4***	228,4±7,4	45,0±1,5***
14-кун	37,9±1,0***	232,2±7,9	39,3±1,3***
Таққослаш гуруҳи			
1- кун	68,8±2,3***	232,5±7,3	74,7±2,4***
3- кун	64,2±2,1***	229,18±7,3	67,2±2,2***
7- кун	41,1±1,3***^^	232,2±7,7	42,3±1,4***^^
10- кун	25,0±0,78***^^	231,1±7,5	24,6±0,83***^^
14- кун	15,0±0,48***^^	234,8±7,8	16,5±0,54***^^
Асосий гуруҳ			
1- кун	76,8±2,6**^&	234,9±7,6	81,3±2,6***^&
3- кун	75,6±2,4***^&&	232,2±7,4	77,7±2,4***^&&
7- кун	25,6±0,76***^^&&&	236,3±7,9	29,8±1,0***^^&&&
10- кун	14,6±0,47***^^&&&	237,5±8,1	15,1±0,48***^^&&&
14- кун	12,4±0,40***^^&&&	238,6±8,2	12,2±0,40***^^&&&

Изоҳ: * - интакт гуруҳ кўрсаткичлари билан таққослаш ишончилиги (*- $P<0,05$; **- $P<0,01$; ***- $P<0,001$); ^ - назорат гуруҳ кўрсаткичлари билан таққослаш ишончилиги (^- $P<0,05$; ^^ $P<0,01$; ^^ $P<0,001$); &- таққослаш гуруҳ кўрсаткичлари билан таққослаш ишончилиги (&- $P<0,05$; &&- $P<0,01$; &&&- $P<0,001$).

Жароҳат дефектини даволаш мақсадида композит коллаген ишлатилган диабетик панжали ҳайвонлар гуруҳида тана вазни камайиши деярли кузатилмади, диурезнинг дастлабки кунлардаги (1-3 кун) аҳамияти, тажрибанинг 1-3 кунларидаги полиурия ва полидипсия кўрсаткичлари назорат гуруҳ қийматларидан сезиларли даражада фарқ қилмади ҳамда интакт каламушлар қийматидан 6,56-5,5 марта ($P<0,001$) ишончли ошганлиги маълум бўлди. Бизнингча бу аллоксан-индуцирланган ҳолатда сийдик ҳайдовчи хусусиятнинг намоён бўлиши билан боғлиқ. Кейинги кунларда (давонинг 7, 10 ва 14 кунлари) диурез назорат гуруҳи қийматига нисбатан секинлик билан туша бошлади: 2,12 ($P<0,001$); 3,22 ($P<0,001$) ва 3,38 ($P<0,001$) марта. Шунинг таъкидлаш жоизки бу кўрсаткичлар таққослаш гуруҳи кўрсаткичларидан 1,52 ($P<0,05$); 1,75 ($P<0,01$) ҳамда 1,38 ($P<0,05$) марта ишончли равишда пастдир. Агарда кунлик диурез давонинг 7 ва 10 кунлари интакт каламушлар қийматидан 2,52 ва 1,27 марта ишончли ошган бўлса, охириги кунларда мос равишда ушбу кўрсаткичлар интакт каламушлар кўрсаткичларидан деярли фарқ қилмади.

Полидипсия ҳолати ҳам аста-секин камая борди. Агарда 1-3 кунлари ҳайвонларда сув талаби назорат гуруҳи кўрсаткичларидан деярли фарқ қилмаган бўлса, 7, 10 ва 14 кунлари эса белгиланган кунларга мос равишда статистик жиҳатдан сезиларли 1,86 ($P<0,01$); 3,2 ($P<0,001$) ҳамда 3,49 ($P<0,001$) марта камайди. Таъкидлаш жоизки ушбу гуруҳда истеъмол қилинган сув миқдори юқорида келтирилган муддатларда мос равишда 1,46 ($P<0,05$); 1,7 ($P<0,01$) ва 1,5 ($P<0,05$) марта кам таққослаш гуруҳига нисбатан. Тажрибанинг 10 ҳамда 14-кунлари текширилувчи гуруҳларда сув истеъмолининг кўрсаткичлари интакт каламуш кўрсаткичларига яқинлашди.

Бинобарин биз томондан ишлатилган композит коллаген маҳсулоти аллоксанли диабет каламушларида диабетик панжанинг кечишига нисбатан яққол самара кўрсатди.

§3.2. Аллоксанли диабетик тоvon моделида композит коллагеннинг гематологик ва биокимёвий кўрсаткичларига таъсири

Экспериментал ҳайвонлар лейкоцитар формула текшируви тажрибанинг турли муддатларида айниқса бошланғич кунлари (3.4-жадвалга каралсин) диабетик панжа ривожланишида лейкоцитоз аниқланди. Бунда назорат гуруҳи каламушларида тажрибанинг 1 ва 3-кунлари периферик қондаги лейкоцитлар миқдори интакт каламушлар кўрсаткичига нисбатан 1,89 ($P<0,001$) ва 1,82 ($P<0,001$) марта статистик жиҳатдан сезиларли ошди.

Диабетик панжали каламушлар жароҳат дефектини композит коллаген билан даволашнинг 1-кунида гематологик кўрсаткичларга сезиларли таъсири кўринмади. Ушбу кўрсаткичлар назорат гуруҳидан сезиларли фарқ қилмади. Лейкоцитоз, нейтрофилёз, эозинофилёз ва нисбатан лимфопения сақланиб қолди. Тажрибанинг охирги кунлари эса композит коллаген қўлланган асосий гуруҳ гематологик кўрсаткичлари аста-секин яхшиланиб 10 ва 14-кунларда интакт каламуш бирликларидан деярли фарқ қилмади.


Диабетнинг модели биокимёвий асосий кўрсаткичларнинг сезиларли ўзгаришига олиб келди. 3.1-расмга эътибор қаратсак диабетик панжа моделининг 1-кунида каламушлар қонидаги глюкоза миқдори интакт каламушлар қийматидан 2,87 марта статистик қийматда ошиб $16,8\pm0,53$ ммол/л ни ($P<0,001$) ташкил этди (интакт каламушларда – $5,7\pm0,19$ ммол/л). Кейинги кунларда диабетик панжали каламушлар қонидаги глюкоза миқдорининг биров ўзгариш тенденциясини кузатдик. Аммо барибир глюкоза миқдори юқориликча қолиб интакт каламушлар қийматидан 2,67 марта ($P<0,001$); 3 ва 7-кунлари ҳамда 10-14-кунларига келиб 2,45 ($P<0,001$); 2,39 ($P<0,001$) ҳамда 2,22 марта ($P<0,001$) ошиб мос равишда $15,5\pm0,51$; $14,3\pm0,46$; $13,9\pm0,43$ ва $12,85\pm0,41$ ммол/л ни ташкил этди. Олинган таҳлиллар гипергликемиянинг экспериментал ҳайвонларда узоқ вақт сақланиб қолиши ҳамда фойдаланилган моделга адекватлигига далолат беради. Албатда биз қондаги глюкоза миқдорини камайтиришга эътибор қаратмадик.

3.4-жадвал
Экспериментал җайвонлар периферик қонининг гематологик кўрсаткичлар динамикаси, М±m

	Лейкоцитлар, × 10 ⁹ /л	Т/Й, %	С/Й, %	ЭОЗ, %	Моноцитлар, %	Лимфоцитлар, %
Интакт	4,85±0,17	1,86±0,06	38,2±1,25	3,45±0,11	3,56±0,12	52,2±1,74
Назорат гуруҳи						
1-кун	9,4±0,31 ^{***}	2,1±0,069 [*]	66,5±2,2 ^{***}	6,5±0,22 ^{***}	4,4±0,15 ^{***}	20,8±0,68 ^{***}
3-кун	9,1±0,29 ^{***}	2,4±0,083 ^{***}	64,8±2,1 ^{***}	6,2±0,19 ^{***}	4,6±0,16 ^{***}	22,4±0,75 ^{***}
7-кун	8,2±0,25 ^{***}	2,3±0,072 ^{***}	55,6±1,7 ^{***}	5,5±0,16 ^{***}	4,0±0,12 [*]	33,5±1,1 ^{***}
10-кун	7,8±0,24 ^{***}	2,2±0,071 ^{**}	53,1±1,6 ^{***}	5,2±0,15 ^{***}	3,9±0,13 [*]	36,8±1,2 ^{***}
14-кун	6,9±0,21 ^{***}	2,0±0,064	45,4±1,5 ^{**}	4,8±0,14 ^{***}	3,7±0,11	43,4±1,5 ^{**}
Таққослаш гуруҳи						
1-кун	9,2±0,30 ^{***}	2,2±0,073 ^{**}	65,6±2,1 ^{***}	6,7±0,23 ^{***}	4,6±0,16 ^{***}	21,4±0,71 ^{***}
3-кун	8,5±0,27 ^{***}	2,2±0,067 ^{**}	60,1±1,8 ^{***^}	5,4±0,17 ^{***^}	4,1±0,13 [*]	27,3±0,89 ^{***^}
7-кун	7,4±0,24 ^{***^}	2,6±0,084 ^{***^}	48,3±1,6 ^{***^}	5,1±0,15 ^{***}	3,9±0,12 [*]	41,3±1,3 ^{***^}
10-кун	6,6±0,22 ^{***^}	2,3±0,074 ^{***}	45,6±1,4 ^{***^}	4,8±0,14 ^{***}	3,8±0,11	44,9±1,5 ^{***^}
14-кун	5,7±0,18 ^{**^}	1,9±0,060	43,4±1,3 [*]	3,9±0,12 [^]	3,6±0,10	47,6±1,7 [^]
Асосий гуруҳ						
1-кун	9,2±0,32 ^{***}	2,3±0,079 ^{***}	65,6±2,3 ^{***}	6,4±0,21 ^{***}	4,4±0,14 ^{***}	22,6±0,75 ^{***}
3-кун	7,4±0,24 ^{***^}	2,4±0,081 ^{***}	56,7±1,9 ^{***^}	5,4±0,18 ^{***^}	4,2±0,13 ^{***}	32,5±1,1 ^{***^}
7-кун	6,5±0,22 ^{***^}	2,7±0,096 ^{***^}	42,5±1,4 ^{***^}	4,7±0,16 ^{***^}	3,7±0,12	45,5±1,5 ^{***^}
10-кун	5,8±0,19 ^{***^}	2,0±0,063 [^]	41,7±1,3 ^{***^}	4,5±0,15 ^{***^}	3,7±0,13	47,5±1,6 ^{***^}
14-кун	4,9±0,16 ^{***^}	1,9±0,058	39,2±1,2 ^{***^}	3,6±0,11 ^{***^}	3,6±0,12	51,0±1,8 ^{***^}

Изоҳ: * - интакт гуруҳ кўрсаткичлари билан таққослаш ишончилиги (*-P<0,05; **-P<0,01; ***-P<0,001); ^ - назорат гуруҳ кўрсаткичлари билан таққослаш ишончилиги (^-P<0,05; ^^P<0,01; ^^P<0,001); &- таққослаш гуруҳ кўрсаткичлари билан таққослаш ишончилиги (&-P<0,05; &&-P<0,01; &&&-P<0,001).

Экспериментал ҳайвонларда қандли диабет фонида жароҳат дефектига композит коллагеннинг таъсирини айнан гипергликемия фонида олиб бориш, одамларда ҳам қандли диабетнинг ярали асоратларини гипергликемия фонида кечишига таъсири каби бўлиши учун инсулин терапия ёки бошқа глюкозани камайтирувчи қўшимча даво турлари қўлланилмади.



Изоҳ: * - интакт гуруҳ кўрсаткичлари билан таққослаш ишончилиги (*- $P<0,05$; **- $P<0,01$; ***- $P<0,001$); ^ - ДТС кўрсаткичларига нисбатан фарқланиш ишончли (^- $P<0,05$)

3.1-расм. Экспериментал диабетик каламушлар капилляр қонидаги глюкоза миқдорининг (ммол/л) динамик ўзгариши.

Шунга қарамасдан композит коллаген таркибидаги кверцетиннинг бироз гипогликемик таъсири намоён бўлганини кузатиш мумкин (3.1-расмга қаралсин).

Шуни таъкидлаш жозики биз ишимизда эътиборни каламушлар қонидаги глюкоза миқдорини камайтиришга қаратмадик яъни диабетиклик ҳолатини сақлаган ҳолда кузатдик. Таққослаш гуруҳи каламушлари глюкоза миқдори назорат гуруҳидан тажрибанинг барча кунларида деярли фарқ қилмагани ҳолда интакт гуруҳи ҳайвонлари қийматидан ишончли равишда баланд бўлди. Умуман асосий гуруҳ қийматлари ҳам таққослаш гуруҳиники каби деярли фарқ қилмади.

Диабетик панжали каламушлар қон зардоби биокимёвий кўрсаткичида биз умумий оксилнинг 1 ва 7-кунларда ишончли равишда камайдиганини кузатдик (3.5-жадвалга қаралсин). Ушбу кўрсаткич статистик сезиларли равишда тажрибанинг 1, 3 ва 7-кунлари интакт гуруҳ каламушларга нисбатан мос равишда 1,28 ($P<0,05$); 1,34 ($P<0,05$) ва 1,26 ($P<0,05$) мартага камайди. Кейинги кунларда эса умумий оксил миқдорининг ошиш тенденцияси кузатилиб унинг интакт ҳайвонлар қийматларига тенглашганини кузатдик.

3.5-жадвал

Экспериментал ҳайвонлар қон плазмасидаги биокимёвий кўрсаткичларнинг ўзгариш динамикаси, $M \pm m$

	Умумий оксил г/л	АЛАТ, хб/л	АсАТ, хб/л	Мочевина, ммоль/л	Креатинин, мкмоль/л
Интакт	75,2±2,5	33,8±1,1	34,1±1,2	5,2±0,17	62,5±2,1
Назорат гуруҳи					
1-кун	58,5±2,0***	74,1±2,5***	71,7±2,3***	11,7±0,39***	141,5±4,6***
3-кун	54,5±1,8***	81,8±2,7***	85,3±2,8***	14,8±0,50***	144,6±4,8***
7-кун	58,4±1,9***	78,8±2,6***	79,1±2,7***	13,8±0,45***	125,5±4,2***
10-кун	64,3±2,1**	74,5±2,5***	73,4±2,4***	12,1±0,40***	112,2±3,7***
14-кун	68,5±2,3*	56,2±1,9***	53,5±1,8***	9,6±0,31***	95,5±3,2***
Таққослаш гуруҳи					
1-кун	58,5±1,8***	72,8±2,3***	68,0±2,0***	13,5±0,43***^	140,5±4,5***
3-кун	58,2±1,7***	60,7±1,9***^	54,7±1,7***^	12,2±0,38***^	122,6±3,9***^
7-кун	63,8±2,1***^	53,4±1,6***^	48,4±1,5***^	8,7±0,29***^	99,5±3,2***^
10-кун	67,9±2,2*	46,2±1,4***^	43,2±1,3***^	7,1±0,23***^	82,1±2,7***^
14-кун	72,9±2,4	40,1±1,3***^	36,5±1,1^^	6,2±0,20***^	71,5±2,4***^
Асосий гуруҳ					
1-кун	57,7±1,9***	70,2±2,2***	65,7±2,1***^	13,4±0,40***^	140,5±4,6***
3-кун	60,5±2,0***^	52,5±1,7***^&	47,4±1,5***^&	9,7±0,32***^&&	96,6±3,1***^&&
7-кун	65,0±2,2***^	43,7±1,4***^&&	43,2±1,3***^&	7,1±0,23***^&&	77,2±2,4***^&&
10-кун	72,5±2,4^	36,5±1,1^^&&	36,9±1,2^^&&	5,7±0,18***^&&	67,7±2,1^^&&
14-кун	74,8±2,5^	35,3±1,0^^&	34,8±0,94^^	5,1±0,16^^&&	62,8±1,9^^&

Изоҳ: * - интакт гуруҳ кўрсаткичлари билан таққослаш ишончилиги (*- $P<0,05$; **- $P<0,01$; ***- $P<0,001$); ^ - назорат гуруҳ кўрсаткичлари билан таққослаш ишончилиги (^- $P<0,05$; ^^ $P<0,01$; ^^ $P<0,001$); &- таққослаш гуруҳ кўрсаткичлари билан таққослаш ишончилиги (&- $P<0,05$; &&- $P<0,01$; &&&- $P<0,001$).

Ушбу ўзгаришларнинг биз томондан аниқланган факторига - оксил камайиши очик жароҳатдан экссудация ажралиши, яъни оксил парчаланишининг тезлашиши билан боғлиқ бўлиши мумкин. Таққослаш гуруҳига ўтказилган даводан кейин қон плазмасидаги умумий оксил назорат гуруҳидаги қийматлардан деярли фарқ қилмади. Бу гуруҳда биз тажрибанинг 1-3 кунларидаги умумий оксил миқдори интакт каламушлар қийматидан ишончли равишда 1,28 ($P<0,001$) ҳамда 1,29 ($P<0,001$) мартага мос равишда кам бўлганини кузатдик. Кейинги кунларда эса ушбу кўрсаткичнинг ошиш тенденциясини кузатдик, аммо тўлиқ қайта тикланиш рўй бермади. Композит коллагенли даво қилинган асосий гуруҳда ҳам шундай ўзгаришлар бўлди, бироқ унинг қайта тикланиши нисбатан эрта ва яққол намоён бўлди.

Текширув давомида диабетик панжали каламушларнинг жигар хужайраси ҳолатини баҳоловчи кўрсаткич бўлган аминотрансфераза активлигининг барча кунларда ошганини кўриш мумкин. Бунда АЛТ ҳамда АСТ нормал катталиқдан текширувнинг 1-кунида 2,20 ($P<0,001$) ва 2,17 ($P<0,001$) мартага, 3-кунида эса 2,42 ($P<0,001$) ва 2,57 ($P<0,001$) мартага, 7-кунида 2,31 ($P<0,001$) ҳамда 2,35 ($P<0,001$) мартага, 10-кунига келиб эса 2,21 ($P<0,001$) ва 2,23 ($P<0,001$) марта ошганлигини кузатдик. Олинган таҳлиллар экспериментал диабетик панжали ҳайвонларнинг нафақат Гепатоцитлар, шунингдек бошқа орган ва тўқималарнинг реактив зарарланишини кўрсатди. Аммо кейинчалик (14-кунда) олдинги кунлар кўрсаткичлари қийматига нисбатан ишончли камайганини, шунга қарамасдан уларнинг қийматлари интакт каламушлар қийматига нисбатан 1,67 ($P<0,01$) ва 1,59 ($P<0,01$) мартага мос равишда ишончли юқори бўлди.

Диабетик панжали каламушларнинг таққослаш (жароҳатни стандарт тозалови+левомекол малҳами) гуруҳига қилинган даво тажрибанинг дастлабки кунларида аминотрансфераза активлигига сезиларли таъсир кўрсатмади. Кейинги 3 кунда ўтказилган даводан сўнг қон плазмасида аминотрансфераза активлиги бир мунча (1,35 ($P<0,001$) ва 1,54 ($P<0,001$) мартага) назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан камая борди. Кейинги кунларда АЛТ ва

АСТ активлиги 7-кунда 1,47 ($P<0,001$) ва 1,56 ($P<0,001$) мартага, 10-кунда 1,62 ($P<0,001$) ҳамда 1,70 ($P<0,001$) мартага, 14-кунда эса 1,41 ($P<0,001$) ва 1,30 ($P<0,001$) марта мос равишда камайишда давом этди. Диабетик панжали каламушларда (таққослаш гуруҳи) аминотрансфераза активлигининг мусбат самарали силжиши биров гипергликемиянинг тушиши фонида инфекцион-яллиғланишнинг камайиши билан боғлиқ. Бироқ бундай самарали натижага қарамасдан АЛТ активлик қиймати интакт каламушлар қийматидан 3, 7, 10 ва 14-кунларга мос равишда 1,78 ($P<0,001$); 1,56 ($P<0,001$); 1,35 ($P<0,001$) ҳамда 1,18 ($P<0,01$) марта, АСТ эса 1,66 ($P<0,001$); 1,46 ($P<0,001$); 1,18 ($P<0,05$) ҳамда 1,12 ($P<0,05$) мартага юқори бўлди.

Диабетик жароҳат дефектли каламушлар асосий гуруҳига композит коллаген (коллаген+кверцетин) билан ўтказилган даво тажрибанинг 1-кунида аминотрансферазалар активлигига сезиларли таъсир этмаган бўлсада кейинги 3 кун ичида ўтказилган даводан сўнг назорат гуруҳи каламушлар қийматларидан 1,55 ($P<0,001$) ва 1,75 ($P<0,001$) мартага камая борди. Кейинги кунларда АЛТ ва АСТ активлиги 7-кунда 1,76 ($P<0,001$) ва 1,81 ($P<0,001$) мартага, 10-кунда эса 1,99 ($P<0,001$) ва 1,89 ($P<0,001$) мартага, 14-кунда эса 1,61 ($P<0,001$) ва 1,52 ($P<0,001$) мартага мос равишда камайишда давом этди. Шунини таъкидлаш керакки асосий гуруҳ қийматлари таққослаш гуруҳи қийматларидан бир мунча самарали ифодаланди. Композит коллаген билан даволанган гуруҳ каламушларининг аминотрансферазалар активлиги камайиши бизнинг қарашимизга кўра гипергликемия ва инфекцион-яллиғланишнинг токсик таъсири камайишига, шунингдек хужайраларнинг энергия билан таъминланишининг кучайиши фонида биологик мембраналар тикланишининг яққол ифодаланиши билан боғлиқ. Аммо бундай самарали қийматлар юзага келишига қарамай АЛТ активлик кўрсаткичи интакт каламушлар қийматидан бир мунча 1,54 ($P<0,001$); 1,3 ($P<0,01$) ва 1,12 ($P<0,05$) марта; АСТ эса 1,44 ($P<0,001$); 1,29 ($P<0,01$) ва 1,1 ($P<0,05$) марта тажрибанинг 3, 7, 10-кунларига мос равишда юқори бўлди. Пировард натижада 14-кунга

келиб текширилаётган бу кўрсаткичлар интакт каламушлар қийматларидан деярли фарқ қилмади.

Азот алмашинуви якуний маҳсулотларининг асосий кўрсаткичларига плазмадаги мочевина ва креатинин ҳисобланади. Шу муносабат билан ўтказилган текширув диабетик панжали каламушлар плазмасида мочевина миқдори ошганлигини кўрсатди (3.5-жадвалга қаралсин). Шундай қилиб, диабетик панжали каламушларда (назорат гуруҳи) тажрибанинг 1-кунида қон зардобидидаги мочевина миқдори интакт каламушлар кўрсаткичларига нисбатан статистик жиҳатдан сезиларли даражада 2,29 ($P<0,001$) мартага ошди. Тадқиқотнинг 3-кунига келиб, биз мочевина миқдори олдинги кунлар қийматларига нисбатан 1,25 ($P<0,01$) марта ва интакт каламушлар қийматиға нисбатан 2,92 ($P<0,001$) мартага кўпроқ ошганини кузатдик. Тажрибанинг 3-кунида қон зардобидида мочевина даражасининг бундай прогрессив ўсиши оқсиллар ва аминокислоталар катаболизмининг кучайиши, уларнинг азотсиз қолдиқларидан глюконеогенез учун ишлатилиши, шунингдек, заҳарли метаболитларнинг қонда тўплана бориши билан боғлиқ. Тажрибанинг кейинги кунларида қон зардобидидаги мочевина миқдори аста-секин камая борди, аммо бу ҳали ҳам интакт каламушлар кўрсаткичларидан 2,49; 2,35 ҳамда 1,85 мартага тажрибанинг 7, 10 ва 14-кунларига мос тавишда сезиларли даражада ошганини кузатдик.

Таққослаш гуруҳимиздаги каламушлар қон зардобидидаги мочевина миқдори тажрибанинг 1-кунида назорат ва интакт гуруҳ каламушлари қийматларидан мос тавишда 1,14 ва 2,59 мартага ($P<0,001$) биров ошганлигини кўриш мумкин. Бу орган ва тўқималардан токсик метаболитларни чиқиши билан боғлиқ бўлиши мумкин. Экспериментнинг 3-кунида мочевина миқдори олдинги кунлар ва назорат гуруҳи кўрсаткичлари билан солиштирилганда унинг пасайиш тенденциясини кузатдик ва меъёрий қийматлардан 2,39 ($P<0,001$) мартага сезиларли даражада ошганини кўриш мумкин. Тажрибанинг 7-кунига келиб мочевина миқдори олдинги кунлардаги қийматларға нисбатан 1,38 бараварға, назорат гуруҳига нисбатан эса 1,44 ($P<0,001$) мартага камайди.

Бироқ интакт каламушлар қийматларидан 1,71 ($P<0,001$) мартага сезиларли даражада ишончли ошди. Тажрибанинг кейинги кунларида ушбу гуруҳ хайвонларининг қон зардобидаги мочевина миқдори назорат гуруҳидаги каламушлар қийматларига нисбатан 1,72 ($P<0,001$) ва 1,57 ($P<0,001$) мартага аста-секин пасайишни бошлади, бу кўрсаткичлар инаткт каламушлар қийматларидан тажрибанинг 10 ва 14-кунларига мос равишда 1,35 ($P<0,001$) ҳамда 1,2 ($P<0,05$) мартага сезиларли даражада ишончли юқори бўлди. Олинган таҳлиллар жароҳатни стандарт тозалови ва унга ишлатилган регенерацион ҳамда антисептик вазифани бажарувчи левомекол малҳамининг қисман бўлсада организмдаги токсик жараёнга ижобий таъсир этганини кўриш мумкин.

Диабетик панжали жароҳат дефекти мавжуд каламушларга (асосий гуруҳ) қўлланган композит коллаген фонида тажрибанинг 1-кунида, қон зардобидаги мочевина миқдори юқорилигини кузатдик: бунда назорат гуруҳидаги кўрсаткичларнинг ортиши 1,36 ($P<0,001$) мартага ва интакт каламушларда эса – 2,62 ($P<0,001$) мартага тенг бўлди. Бу орган ва тўқималардан токсик метаболитларни чиқиши билан боғлиқ бўлиши мумкин. Тажрибанинг 3 ва 7-кунларида мочевина миқдорини назорат гуруҳидаги кўрсаткичлар билан солиштирганимизда мос равишда 1,51 ($P<0,001$) ва 1,76 ($P<0,001$) мартага сезиларли даражада пасайишда давом этганини кузатдик. Бироқ, бу ҳолат интакт каламушларнинг қийматларидан мос равишда 1,90 ($P<0,001$) ва 1,40 ($P<0,001$) мартага юқорилигини сақлаб қолди. Экспериментнинг кейинги кунларида ушбу гуруҳ хайвонларининг қон зардобидаги мочевина миқдори назорат гуруҳидаги қийматларга нисбатан тажрибанинг 10 ва 14-кунларига мос равишда 2,11 ($P<0,001$) ва 1,84 ($P<0,001$) мартага аста-секин камайганини кузатдик. Агарда тажрибанинг 10-куни бу кўрсаткичнинг нормал қийматлардан ошиб кетишига мойил бўлган бўлса (1,15 марта), у ҳолда тажрибанинг охирига келиб бу кўрсаткичнинг интакт каламушлар қийматларидан сезиларли даражада фарқ қилмаганини кўриш мумкин. Олинган натижалар композит коллагендаги кверцетиннинг самарали дезинтоксикацион таъсирини

таққослаш гуруҳига ўтказилган даводан кўра ижобий равишда баҳолаш мумкин.

Буйракларнинг азот ажратиш функциясини акс эттирувчи асосий кўрсаткичларидан бири бу қон зардобдаги креатинин даражасидир. Тажрибанинг 1 ва 3-кунларида назорат гуруҳи каламушларининг қон зардобдаги креатинин миқдори даражасини таҳлил қилиш, интакт каламушлар қийматларига нисбатан статистик жиҳатдан сезиларли даражада 2,29 ($P<0,001$) ва 2,36 ($P<0,001$) мартага ўсишини кўриш мумкин (3.2-жадвалга қаралсин). Кейинги кунларда қон зардобдаги креатинин миқдори аста-секин камая борди, аммо у ҳали ҳам интакт каламушлар кўрсаткичларидан 2,05 ($P<0,001$); 1,82 ($P<0,001$) ҳамда 1,55 ($P<0,001$) мартага тажрибанинг 7, 10 ва 14-кунларига мос равишда сезиларли даражада ишончли ошди. Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики назроат гуруҳидаги каламушларда буйракнинг азот ажратиш вазифаси бузилган.

Таққослаш гуруҳи каламушларининг жароҳатига қилинган даво фонидта тажрибанинг 1-кунида қон зардобдаги креатинин миқдори сезиларли таъсир бўлмади. Унинг даражаси назорат гуруҳи ҳайвонларнинг қийматларидан унчалик фарқ қилмади ва меъёрий қийматлардан 2,25 ($P<0,001$) мартага сезиларли даражада ошди. Кейинчалик креатинин миқдори камайиши тажрибанинг аввалги даври кўрсаткичларига нисбатан ҳам, интакт каламушларга нисбатан ҳам кузатилди. Бунда тажрибанинг 3, 7, 10 ва 14-кунларида креатинин миқдорининг камайиши назорат гуруҳи ҳайвонлари қийматларига нисбатан 1,17; 1,25 ($P<0,001$); 1,35 ($P<0,001$) ва 1,33 ($P<0,001$) мартага фарқ қилди, аммо интакт каламушлар қийматларидан шу кунларга мос равишда 2,1 ($P<0,001$); 1,63 ($P<0,001$); 1,33 ($P<0,001$) ва 1,16 ($P<0,05$) мартага ишончли равишда юқори эди. Олинган таҳлиллар жароҳатга қўлланган стандарт даво ҳамда левомекол малҳамининг ҳайвон организмида юзага келган токсик жараёнга қисман ижобий таъсир этганини кўриш мумкин.

Диабетик панжали жароҳат дефекти мавжуд каламушларга (асосий гуруҳ) қўлланган композит коллаген тажрибанинг 1-кунида, қон зардобдаги

креатинин миқдорининг ўзгаришига сезиларли таъсир этмади. Унинг қиймати назорат гуруҳи ҳайвонлари қийматидан унчалик фарқ қилмагани ҳолда, нормал кўрсаткичлардан ишончли равишда 2,27 ($P<0,001$) мартага ошиқ эди. Кейинчалик креатинин миқдорининг пасайиши тажрибанинг олдинги даври кўрсаткичларига нисбатан ҳам, интакт каламушлар кўрсаткичларида ҳам кузатилди. Шундай қилиб тажрибанинг 3, 7, 10 ва 14-кунларида креатинин миқдори назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан мос равишда 1,47 ($P<0,001$); 1,62 ($P<0,001$); 1,64 ($P<0,001$) ҳамда 1,51 ($P<0,001$) мартага пасая борди. Айтиш керакки, агарда тажрибанинг 3 ва 7-кунларида бу кўрсаткичлар интакт каламушлар кўрсаткичларидан 1,57 ($P<0,001$) ва 1,25 ($P<0,001$) мартага ошиб кетган бўлса, 10 ва 14-кунларида эса улар меъёрий қийматлардан сезиларли даражада фарқ қилмади. Олинган таҳлиллар композит коллагендаги кверцетин нинг яққол дезинтоксикацион таъсирини яъни буйракларда диабет фонида азот алмашинуви маҳсулотларини ажралиши кучайганлигини ифода этади.

Бинобарин биз қўллаган композит коллагендаги кверцетин препарати нафақат токсикоз даражасини пасайтиради, балки антиоксидант таъсирга ҳам эгаллиги билан левомекол малҳамидан устундир.

Биз каламушлар қон плазмасида жароҳат дефекти яллиғланишига ва битишига жавобгар цитокинлар фаъолиятини ҳам ўргандик. Цитокинлар моноцитларнинг яллиғланиш ўчоғига чиқиб тўқима макрофагларига айланганидан сўнг уларнинг синтезидан ишлаб чиқарилади. Бу цитокинлар яллиғланишни келтириб чиқарувчи ва яллиғланишга қарши цитокинлар жамланмасидан ташкил топган.

Демакки биз цитокинлардан интерлейкинлар комплексини ўрганиб (интерлейкин-1 β , интерлейкин-2, интерлейкин-10) қуйидаги натижаларни олдик (3.6-жадвалга қаралсин).

Назорат гуруҳида ИЛ-1β, ИЛ-2, ИЛ-10 миқдори текширилганда 1-кун интакт каламушлар гуруҳига нисбатан интерлейкинлар мос равишда 1.75 марта ($P<0,001$) камайиш; 1,44 марта ($P<0,001$) камайиш; 5,64 марта ($P<0,001$) кўтарилиш тенденцияси кузатилди. 3-кунда эса 1,45 марта ($P<0,001$); 1,36 марта ($P<0,001$); 1,34 марта ($P<0,05$) камайиш тенденциясини аниқладик.

3.6-жадвал

Экспериментал ҳайвонлар қон плазмасидаги интерлейкинлар кўрсаткичларининг ўзгариш динамикаси, $M \pm m$

Кунлар	Интерлейкин-1β, пг/мл	Интерлейкин-2, пг/мл	Интерлейкин-10, пг/мл
Интакт	0,121±0,0041	0,346±0,012	0,124±0,0043
Назорат гуруҳи			
1-кун	0,080±0,0027***	0,242±0,0079***	0,680±0,0022***
3-кун	0,085±0,0029***	0,260±0,0086***	0,080±0,0026***
7-кун	0,149±0,0049***	0,266±0,0088***	0,116±0,0038
10-кун	0,185±0,0058***	0,257±0,0084***	0,18±0,0060***
14-кун	0,208±0,0069***	0,237±0,0077***	0,223±0,0072***
Таққослаш гуруҳи			
1-кун	0,071±0,0023***^	0,215±0,0071***^	0,065±0,0021***^^
3-кун	0,102±0,0034**^^	0,292±0,0095**^	0,180±0,0056***^^
7-кун	0,153±0,0050***	0,401±0,013***^	0,153±0,0049***^^
10-кун	0,145±0,0046**^^	0,391±0,012*^^	0,136±0,0043*^^
14-кун	0,135±0,0043*^^	0,351±0,011^^	0,121±0,0038^^
Асосий гуруҳ			
1-кун	0,070±0,0025***^	0,222±0,0073***	0,069±0,0023***^^
3-кун	0,133±0,0044*^^&&	0,340±0,011^^&	0,171±0,0055***^^
7-кун	0,144±0,0048**	0,380±0,012*^^	0,164±0,0053***^^
10-кун	0,122±0,0040^^&	0,343±0,011^^&	0,124±0,0039^^&
14-кун	0,121±0,0037^^&	0,342±0,010^^	0,122±0,0037^^

Изоҳ: * - интакт гуруҳ кўрсаткичлари билан таққослаш ишончилиги (*- $P<0,05$; **- $P<0,01$; ***- $P<0,001$); ^ - назорат гуруҳ кўрсаткичлари билан таққослаш ишончилиги (^- $P<0,05$; ^^ - $P<0,01$; ^^ - $P<0,001$); &- таққослаш гуруҳ кўрсаткичлари билан таққослаш ишончилиги (&- $P<0,05$; &&- $P<0,01$; &&&- $P<0,001$).

7-кунда эса ИЛ-1 β да 1,22 марта ($P<0,05$) кўтарилиш даражасида эканлигини аниқладик, бю эса яллиғланиш даражаси юқори даражада эканлигини, жараён прогрессиялашган даврда кечаётганлигини билдирди; ИЛ-2 эса 1,33 марта ($P<0,001$) камайиш билан; ИЛ-10 да эса деярли ўзгаришсиз эканлигини қайд этдик. 10- ва 14-кунларда ИЛ-1 β да критик даражада кўтарилиш аниқланди, яъни 1,48 марта ($P<0,001$); 1,67 марта ($P<0,001$) кўп миқдордаги юқори тенденцияси аниқланди.

ИЛ-2 пасайиш тенденциясида қолиб, 1,38 марта ($P<0,001$); 1,52 марта ($P<0,001$) паст эканлиги маълум бўлди. ИЛ-10 эса 10- ва 14-кунларига келиб ИЛ-1 β га мос равишда энг юқори критик нуктагача кўтарилиб, 1,84 марта ($P<0,001$) га етди. Тажрибанинг охирги кунига келиб эса ИЛ-1 β ва ИЛ-10 нормал қийматларга тенглашди, ИЛ-2 эса баланд даражагача сақланиб қолиб, $0,364\pm 0,00$ пг/мл га тенг бўлди. ИЛ-1 β организмга биринчи марта патоген бактериялар тушганда ёки аутоиммун равишда ҚД нинг 2-турида қон плазмасида пайдо бўлади. Касаллик даврларида бу цитокин даражаси пасайди, лекин тузалиш босқичида нормадан ҳам юқорилиги ифодаланиб, бу пасайишни иммунитет тизимининг қолдиқ реакцияси деб ҳисоблаш имконини берди. ИЛ-10 яллиғланишга қарши цитокинларнинг антагонистидир ва жараёни тартибга солиш функциясини бажаради, яллиғланишни келтириб чиқарувчи цитокинлар фаъолиятини пасайтиради, шунингдек жароҳатнинг битишида асосий вазифаларни бажаради. Касаллик ривожланиш босқичларида ИЛ-1 β га мос равишда ошиб, жароҳат битишида эса нормал кўрсаткичларга тушгани кузатилади.

Таққослаш гуруҳида 1-кунда ИЛ-1 β , ИЛ-2, ИЛ-10 даражалари кўтарилиш тенденциясини назорат гуруҳига нисбатан бироз ошиб, фақат ИЛ-10 да пасайиш тенденцияси кузатилди. яъни 10,39 мартага ($P<0,001$) тенг бўлди. Буни биз таққослаш гуруҳига ўтказилган давода иммуномодуляцияли хусият борлиги билан боғладик, чунки цитокиннинг танувчи рецепторларига таъсир кўрсатиб яллиғланишнинг биринчи кунларида блоклайди. 3-кунда ИЛ-1 β да 1,25 марта ($P<0,01$) кўтарилиш билан кечди, буни биз таққослаш гуруҳига

ўтказилган даво иммунитет тизимига жвобгар хужайраларни ишлаб чиқарилишини рағбатлантириши билан изоҳладик. ИЛ-2 нинг назорат гуруҳига нисбатан 1,18 марта ($P<0,05$) кўтарилиш тенденциясини аниқладик, ИЛ-10 да ҳам шу кунга келиб қийматининг 2,1 мартага ($P<0,001$) ошганини кузатдик. 7-кунда эса назорат гуруҳига нисбатан барча интерлейкинларда критик кўтарилиш тенденцияси кузатилиб мос равишда 1,05 марта ($P<0,05$); 1,55 марта ($P<0,001$) ҳамда 1,32 мартага ($P<0,001$) тенг бўлди. Тажрибанинг 10-кунига келиб эса даволаш усулининг самараси барча текшириладиган интерлейкинларда (ИЛ-2 дан ташқари) назорат гуруҳига нисбатан пасайиш кузатилиб 1,24 марта ($P<0,05$); 1,35 марта ($P<0,001$); ИЛ-2 да эса 1,57 марта ($P<0,001$) ошганини кўриш мумкин. 14-кунда эса интакт гуруҳга нисбатан тенг тенденцияда кечгани, фақат ИЛ-2 да эса $0,342\pm0,010$ пг/мл да қолди.

Асосий гуруҳдаги каламушларнинг қон плазмасидаги цитокинларни таққослаш гуруҳига нисбатан солиштирилганда 1-кунда ИЛ-1 β деярли ўзгаришсиз қолди, ИЛ-2 да эса 1,01 мартага ($P<0,05$) юқори тенденция кузатилди, ИЛ-10 да эса деярли ўзгариш аниқланмади. Бунга сабаб композит коллагеннинг иммуномодуляторлик хусусияти юқори эканлигидан далолат беради. 3-кунда ИЛ-1 β таққослаш гуруҳига нисбатан 1,30 мартага ($P<0,001$); ИЛ-2 да эса 1,17 мартага ($P<0,001$) кўтарилиш тенденцияси кузатилди. ИЛ-10 эса жароҳат битиш босқичида бўлганлиги учун таққослаш гуруҳига нисбатан 1,044 марта ($P<0,001$) пасайиш тенденцияси кузатилди. 7-кунга келиб яллиғланишни келтириб чиқарувчи ИЛ-1 β да энг юқори критик нуқтага етгани яъни $0,144\pm0,0048$ пг/мл га тенг бўлганини кузатдик. ИЛ-2 ва ИЛ-10 да эса таққослаш гуруҳига нисбатан пасайиш кузатилиб, уларнинг мос равишда $0,380\pm0,012$ пг/мл ва $0,164\pm0,0053$ пг/мл га тенг бўлганини кузатдик.

Олинган таҳлиллар диабетик панжали каламушлар жароҳат дефектига композит коллагенни қўллаш, таққослаш гуруҳига (левомекол) нисбатан иммуномодуляторлик хусусияти ва жароҳатни битиш фаъолиятига ижобий ва керакли самар бериши исботланди.

§3.3. Диабетик тоvon моделида композит коллагеннинг жароҳат дефектини битишига таъсирини томир эндотелий ўсиш фактори (VEGF) ва инсулинга ўхшаш ўсиш фактори (IGF1) орқали баҳолаш

Ангиогенез регулятсиясида иштирок этадиган цитокинлар орасида қон томир эндотелиал ўсиш омили муҳим рол ўйнайди. Бу синф цитокинлари (VEGF) орасида энг кўп ўрганилган пептиди VEGF-A ҳисобланади. VEGF оиласига мансуб ўсиш факторларига (VEGF-A), плацентар ўсиш фактори (PLGF), VEGF-B, VEGF-C, VEGF-D, VEGF-E (вирус типи) ҳамда VEGF-F турлари киради.

VEGF-A физиологик ва патофизиологик ангиогенезнинг фундаментал медиатори ҳисобланади. VEGF-A одамда 165 та аминокислотадан ташкил топиб, каламушларда унинг сони 1 та кам бўлади яъни VEGF-A₁₆₄. Дастлаб VEGF ни эндотелиал ҳужайралар ўтказувчанлигини кучайтирувчи омил сифатида қаралган, аммо кейинчалик сезиларли ангиогенлик самараси борлиги яъни нормал ва патологик ҳолатларда қон томир ўсишига сезиларли таъсири борлиги исботланган.

Экспериментал ҳайвонлар қонида VEGF-A₁₆₄ тажриба давомида сезиларли динамик ўзгаришлар билан намоён бўлди (3.7-жадвалга қаралсин). Биз интакт каламушлар қон плазмасининг иммунофермент таҳлилида VEGF-A аниқлашни лозим топмадик.

3.7-жадвал

Экспериментал ҳайвонлар қон плазмасидаги VEGF-A (пг/мл) кўрсаткичларининг ўзгариш динамикаси, $M \pm m$

Гуруҳлар	Текширув кунлари		
	3-кун	7-кун	14-кун
Назорат гуруҳи	2,2±0,71	2,5±0,083	0,00
Таққослаш гуруҳи	3,87±0,13***	5,46±0,18***&&&	2,04±0,07***&&&
Асосий гуруҳ	7,40±0,24***^^^	8,31±0,27***^^^&	6,33±0,21***^^^&&&


Изоҳ: * - назорат гуруҳ кўрсаткичлари билан таққослаш ишончилиги (*-P<0,05; **-P<0,01; ***-P<0,001); ^- таққослаш гуруҳ кўрсаткичлари билан таққослаш ишончилиги (^-P<0,05; ^^P<0,01; ^^P<0,001). &- олдинги кунлардаги кўрсаткичлар билан таққослаш ишончилиги (&-P<0,05; &&-P<0,01; &&&-P<0,001).

Назорат гуруҳи каламушлари қон плазмасида VEGF-A қиймати тажрибанинг 3-кунида 2,2 пг/мл; 7-кунида эса деярли ўзгаришсиз қолиб 2,5 пг/мл ни ташкил этди ҳамда интакт каламушлар қийматидан сезиларли ишинчли ошди ($P<0,001$). Тажрибанинг охири кунларида эса у интакт каламсухлар кўрсаткичидан фарқ қилмади. Буни биз ҳайвонлар организмида компенсатор механизм дастлаб VEGF-A нинг бироз ошиши билан ифодаланган ҳолда юзага келиб стимулловчи омил бўлмаганлиги сабабли интакт каламушлар қийматига тенглашгани билан боғладик.

Диабетик панжали таққослаш гуруҳи каламушлар қон плазмасида эса VEGF-A миқдори тажрибанинг 3-кунида 1,76 мартага ($P<0,001$); 7 ва 14-кунлари эса мос равишда назорат гуруҳи каламушлари кўрсаткичларидан 2,18 ($P<0,001$) ҳамда 2,04 мартага ($P<0,001$) юқори бўлганини кузатдик. Буни биз таққослаш гуруҳидаги ҳайвонлар жароҳати дефектига қўлланилган малҳам-нинг (левомекол) жароҳатдаги репаратив жараёнларга ижобий таъсир этгани билан боғладик.

Маълумки VEGF-A ҳайвонлар организмидаги ишемия фонида ҳам асосий ишора сифатида қонда унинг миқдори ошиши билан намоён бўлиши мумкин. Назорат гуруҳи каламушларида унинг (VEGF) миқдорини ошиши нафақат компенсатор механизмлар, балким қандли диабет фонида юзага келган жароҳат юзасидаги ишемия ҳолати ҳам унга таъсир этган бўлиши мумкин.

Диабетик панжа жароҳат дефектли асосий гуруҳ экспериментал ҳайвонларининг қон плазмасидаги VEGF-A миқдори композит коллаген билан даволаш фонида тажрибанинг 3-кунида таққослаш ва назорат гуруҳига нисбатан 1,91 ($P<0,001$) ҳамда 3,36 марта ($P<0,001$) ишончли юқори бўлганлигини, 7 ва 14-кунларга келиб эса мос равишда 1,52 ($P<0,001$) ва 3,32 ($P<0,001$) мартага; 3,10 ($P<0,001$) ҳамда 6,33 ($P<0,001$) марта юқори бўлганини кузатдик (3.2-расм).



Изоҳ: * - назорат гуруҳ кўрсаткичлари билан таққослаш ишончилиги (***- $P < 0,001$); ^- таққослаш гуруҳ кўрсаткичлари билан таққослаш ишончилиги (^^- $P < 0,001$)

3.2-расм. Композит коллаген қўлланган асосий гуруҳ ҳайвонлар қонидаги VEGF-A миқдори (пг/мл) динамикаси

Назорат гуруҳи ҳайвонлари қонидаги VEGF-A миқдорининг ошиши ҳамда тажрибанинг охири кунларига келиб унинг қиймати интакт ҳайвонлари каби бўлиши жароҳат интенсивлигига боғлиқ бўлади ва қўшимча текширувларни талаб этади. Асосий гуруҳ каламушларидаги VEGF-A миқдорининг таққослаш ва назорат гуруҳига нисбатан статистик ишончли ошиши, биз томондан қўлланган композит коллагеннинг самараси жароҳат битишига бўлган регенератив ҳамда репаратив жараёнларни стимуллаши орқали янги тўқима ҳосил бўлишида ангиогенезнинг ролига таъсир этиши орқали намоён бўлди.

IGF (Insulin-like growth factors) инсулинга ўхшаш ўсиш фактор тўқима ўсиши ва регенерацияси учун муҳим омил ҳисобланади. IGFнинг 2 хил тури бўлиб биз IGF1 ни яъни кўплаб тўқима таркибидаги ҳужайралар (мушак, тоғай, суяк) пролиферациясини стимуллайдиган ўсиш факторини каламушлар қон плазмасида аниқладик.

IGF1 70 та аминокислотадан иборат полипептид гормон бўлиб, унинг асосий қисми Гепатоцитларда синтезланади ҳамда ҳужайра ташқарисидаги муҳитга қуйилади. Қандли диабет фонида бу ўсиш омилнинг миқдори бироз

камайган ҳолатда бўлади. Биз каламушлар қон плазмасининг иммунофермент таҳлилида қуйидаги натижаларни олдик (3.8-жадвал).

Кўриниб турибдики нормал ҳолатда ҳам IGF-1 каламушлар қонида ҳам ўртача 65 нг/мл атрофида мавжуд бўлади. Бироқ аллоксанли диабет фонида ушбу ўсиш омили назорат гуруҳи каламушларида биров камайганини кузатиш мумкин. Назорат гуруҳи ҳайвонлари қон плазмасидаги IGF-1 миқдори тажрибанинг 3-кунида интакт каламушлар қийматларидан 1,06 мартага ($P<0,05$) камайганини, 7 ва 14-кунларда эса IGF-1 миқдори мос равишда деярли 1,093 ($P<0,05$) ҳамда 1,094 ($P<0,05$) мартага ишончли фарқ қилмаган ҳолда кам бўлганини кузатдик. Буни биз инсулин камайиши ҳамда гипергликемия фонида IGF-1 ўсиш омилининг сезиларли фарқ қилмаган ҳолда қонда камайгани билан боғладик.

3.8-жадвал

Экспериментал ҳайвонлар қон плазмасидаги IGF-1 (нг/мл) кўрсаткичларининг ўзгариш динамикаси, $M \pm m$


Гуруҳлар	Текширув кунлари		
	3-кун	7-кун	14-кун
Интакт	65,82±2,2	65,82±2,2	65,82±2,2
Назорат гуруҳи	62,15±2,1	60,18±1,9*	60,15±1,8*
Таққослаш гуруҳи	77,45±2,6**^^	78,55±2,7**^^	77,14±2,5**^^
Асосий гуруҳ	80,45±2,7***^^	92,15±2,8***^^&&#	102,15±3,2***^^&&#

Изоҳ: * - интакт гуруҳ кўрсаткичлари билан таққослаш ишончилиги (*- $P<0,05$; **- $P<0,01$; ***- $P<0,001$); ^ - назорат гуруҳ кўрсаткичлари билан таққослаш ишончилиги (^- $P<0,05$; ^^ - $P<0,01$; ^^ - $P<0,001$); & - таққослаш гуруҳига нисбатан ишончли (&- $P<0,05$; &&- $P<0,01$; &&&- $P<0,001$). # - олдинги кунлардаги кўрсаткичлар билан таққослаш ишончилиги (#- $P<0,05$).

Таққослаш гуруҳ ҳайвонлари қон плазмасидаги IGF-1 миқдори тажрибанинг 3-кунида назорат гуруҳи каламушлари қийматидан 1,2 мартага ($P<0,05$) ишончли ошганини кузатдик. Худди шу таққослашни тажрибанинг 7 ҳамда 14-кунларида олиб борилганда мос равишда таққослаш гуруҳи ҳайвонлари плазмасидаги IGF-1 миқдори 1,3 ($P<0,01$) ва 1,3 ($P<0,01$) мартага ошганини кўриш мумкин. Буни биз таққослаш гуруҳи диабетик панжали ҳайвонлари жароҳатига қўлланилган левомекол малҳамининг (жароҳатни

стандарт тозалови фонида) регенератив хусусиятини намоён бўлиши билан боғладик. Албатда таққослаш гуруҳи ҳайвонларида тажрибанинг 14-кундаги IGF-1 миқдори 7-кунига нисбатан бироз кам бўлиши, жароҳат битиши фонида унинг нормал кўрсаткичларга (интакт) яқинлашганини кўрсатади.

Диабетик панжа жароҳатли каламушларга (асосий гуруҳ) қўлланилган композит коллаген фонида тажрибанинг барча кунларида (3, 7, 14) ҳайвонлар плазмасидаги IGF-1 миқдорининг сезиларли ошиш тенденцияси ни кузатдик (3.3-расмга қаралсин).



Изоҳ: * - интакт гуруҳ кўрсаткичлари билан таққослаш ишончилиги (*- $P<0,05$; **- $P<0,01$; ***- $P<0,001$); ^ - назорат гуруҳ кўрсаткичлари билан таққослаш ишончилиги (^- $P<0,05$; ^^ $P<0,01$; ^^ $P<0,001$); & - таққослаш гуруҳига нисбатан ишончли (&- $P<0,05$; &&- $P<0,01$; &&&- $P<0,001$). #- олдинги кунлардаги кўрсаткичлар билан таққослаш ишончилиги (#- $P<0,05$).

3.3-расм. Композит коллаген қўлланган асосий гуруҳ ҳайвонлар қонидаги IGF-1 миқдори (нг/мл) динамикаси

Композит коллаген (коллаген Iтип+кверцетин) қўлланган асосий гуруҳ каламушлар плазмасидаги IGF-1 миқдори тажрибанинг 3, 7 ва 14-кунларида интакт каламушлар қийматларига нисбатан мос равишда 1,22 ($P<0,001$); 1,40 ($P<0,001$) ҳамда 1,55 ($P<0,001$) мартага ишончли равишда юқори бўлган бўлган бўлса, таққослаш гуруҳига нисбатан эса тажрибанинг 3-кунида 1,038 ($P<0,001$) марта ҳамда тажрибанинг 7 ва 14-кунларида мос равишда 1,17 ($P<0,001$) ва 1,32 ($P<0,001$) мартага ишончли ошганини кўришимиз мумкин.

Буни биз композит коллаген таркибидаги коллаген I типининг жароҳат дефектида матрикс ҳосил қилиши ва ҳайвон организмидаги хусусий коллаген ва фибробластларини жароҳат битиш жараёнига тортиши, кверцетиннинг микроциркуляцияни кучайтириши фонида тўқима ўсиш омиллари фаъолиятининг ошиши (плазмада) билан боғладик.


Шундай қилиб жароҳат юзага келтирилган диабетик оёқ панжали ҳайвонлар плазмасида IGF-1 ифодаси интакт каламушлар плазмасидаги миқдорга нисбатан сезиларли даражада ошганлигини аниқладик. Аммо назорат гуруҳи каламушларида унинг миқдори интакт ҳайвонларга нисбатан биров пасайганини (62,15 нг/мл; 60,18 нг/мл; 60,15 нг/мл.) кузатдик. Бу назорат гуруҳи ҳайвонларида гипергликемия фонида ҳамда жароҳатга стимулловчи таъсир кўрсатилмаганлик натижасида IGF-1 нинг фаъолияти ошмаганлиги билан боғлиқ. Қандли диабетга чалинган каламушларнинг таққослаш ва асосий гуруҳида эса тажрибанинг 7 ва 14 кунларида IGF-1 миқдори интакт ва назорат гуруҳи ҳайвонларига нисбатан сезиларли ошганини кузатиб, жароҳат юзасига қўлланган репаратив стимулловчи даво бунга сабаб бўлгани билан боғладик. Асосий гуруҳдаги IGF-1 нинг энг юқори даражада тўлқинланиши композит коллагеннинг жароҳатни битказиш, регенерация ва репаратив жараёнларига сезиларли таъсир этганини кўрсатади.

§3.4. Аллоксанли диабетик товон моделида каламушларда эндоген интоксикация кўрсаткичларига композит коллагеннинг таъсирини ўрганиш

Маълумки эндоген интоксикация (ЭИ) даражаси бевосита диабетик панжали (товон) беморлар умумий ҳолатининг оғирлик даражасига бевосита таъсир этади. ЭИнинг оғирлик даражасини баҳолаш учун эса лейкоцитар индекс, гематологик кўрсаткичларнинг математик ҳисоби эвазига кенг миқёсда қўлланилади. Улар ДТСда ва метаболик бузилишларда яллиғланиш жараёнининг намоёнлигини ўтказилган даво самарасига қараб баҳолашда қўлланилади. Клиник амалиётда Й.Й. Кальф-Калиф (1941), Ф.Й. Фищенко

(1989), В.К. Островкий (1983) индекслари, шунингдек интоксикациянинг гематологик кўрсаткичлари (ИГК), гематологик интоксикация индекси (ГИИ), Н.И. Яблучинский бўйича лейкоцитлар силжиш индекси (ЛСИ) кабилар кўплаб қўлланилади. Улар йирингли-яллиғланиш даражаларини аниқлашга, жараённинг прогрессивланиш ва йирингли-септик асоратларни қўшилиши диагностикасини, шунингдек давонинг самарадорлигини баҳолаш учун ёрдам беради.

Диабетик панжали каламушларда тажрибанинг 1-кунида лейкоцитлар силжиш индекси (ЛСИ) таҳлили унинг ошагини кўрсатади (3.4-расмга қаралсин). Тажрибанинг кейинги кунларида биз ушбу кўрсаткичнинг аста-секин пасайишини кузатдик. Ушбу кўрсаткичнинг бундай силжишига қарамай интакт каламушлар қийматидан юқори бўлиши сақланиб қолди. Бизнинг фикримизга кўра бундай силжиш экспериментал ҳайвонлар орқа оёқ-панжасида ҳосил қилинган жароҳат ва аллоксан қўллаш фонида иммун тизимнинг депрессияси билан боғлиқ бўлиши мумкин.



Изоҳ: * - интакт гуруҳ кўрсаткичлари билан таққослаш ишончилиги (*- $P < 0,001$); ^ - назорат гуруҳ кўрсаткичлари билан таққослаш ишончилиги (^- $P < 0,001$); &- таққослаш гуруҳ кўрсаткичлари билан таққослаш ишончилиги (&- $P < 0,01$).

3.4-расм. Композит коллагеннинг диабетик панжали каламушларда лейкоцитлар силжиш индекси ўзгаришлари динамикасига таъсири


Тажрибанинг 1-3 кунларида диабетик панжали каламушлар (таққослаш гуруҳи) жароҳатига қўлланилган стандарт тозалов ва левомекол малҳамини суриш лейкоцитлар силжиш индексига сезиларли таъсир этмади. 7-кунида эса биз бу кўрсаткичнинг назорат гуруҳи қийматига нисбатан 1,36 ($P<0,01$) марта пасайганлигини нормал катталиклардан эса ошганлигини кузатдик. Бизнингча бу токсемия камайишига жавобан суяк кўмигидан қон ҳосил бўлиши фаоллашиши (иммун тизим) билан боғлиқ. Кейинги кунларда эса нейтрофиллар силжиш индекс қиймати интакт каламушлар қийматидан деярли фарқ қилмади.

Диабетик панжали каламушларга композит коллаген қўлланилиши худди таққослаш гуруҳиники (жароҳатни стандарт тозалаш ва унга левомекол малҳамини суриш) каби таъсир этди: тажрибанинг 1-3 кунларида даво олмаган гуруҳ каламушларига нисбатан ушбу кўрсаткичнинг 3-кунига келиб 1,45 марта ($P<0,001$) камайганини кўриш мумкин. 7-куни биз ушбу кўрсаткичнинг назорат гуруҳи қийматларига нисбатан 1,71 ($P<0,001$) мартага босқичма-босқич пасайгани ва меъёрий қийматларга нисбатан эса 1,25 ($P<0,001$) марта сезиларли даражада ошганини кузатдик ва бу эса яллиғланишнинг (токсемия) камайиши ҳисобига иммун тизим активланиши билан боғлиқ. Диабетик панжали каламушларда нейтрофилларнинг реактивлик жавоби ўзгаришлар динамикасини таҳлил қилиш тажрибанинг 1-кунида бу кўрсаткичнинг интакт каламушлар қийматларига нисбатан 1,89 ($P<0,01$) марта кескин ошганлигини кўрсатди (3.5-расмга қаралсин).

Кейинги кунда (3 кундан сўнг) ушбу кўрсаткич ўсишда давом этиб интакт каламушлар қийматидан 2,25 мартага ($P<0,001$) фарқ қилди. Бу тажриба ҳайвонларида инфекцион-яллиғланиш жараёни борлиги, макрофагал-ретикуляр тизим активланиши ҳисобига нейтрофилёз ривожланиши билан боғлиқ. Кейинчалик нейтрофиллар реактивлик жавоби кўрсаткичи аста-секин камая бориб 14-кунга келиб нормал ҳолатга тушди.

Диабетик панжали каламушлар жароҳат дефектига левомекол малҳамини (стандарт тозалов билан) маҳаллий қўллаш фонида нейтрофилларнинг

реактивлик жавобига ижобий таъсир кўрсатиб ушбу кўрсаткичларнинг эрта камайишига олиб келди. Таққослаш гуруҳидан фарқ қилиб юқори қийматли нейтофиллар реактивлик жавоби, композит коллаген қўлланганда (стандарт тозалов билан) тажрибанинг 3-кунига келиб назорат гуруҳи қийматларидан 1,32 марта ($P<0,05$), 7-кунда 1,34 марта ҳамда 10-кунда 1,56 марта ($P<0,05$) ишончли равишда камайганини кузатдик.




Изоҳ: * - интакт гуруҳ кўрсаткичлари билан таққослаш ишончилиги ($*-P<0,001$); ^ - назорат гуруҳ кўрсаткичлари билан таққослаш ишончилиги ($^-P<0,001$); &- таққослаш гуруҳ кўрсаткичлари билан таққослаш ишончилиги ($&-P<0,001$).

3.5-расм. Композит коллагеннинг диабетик панжали каламушларда нейтрофиллар реактивлик жавоби кўрсаткичлари динамикасига таъсири

Юқорида келтирилган қийматлардан кўриниб турибдики композит коллагеннинг таъсир самарадорлиги эрта ва нисбатан яққол юзага келиб, жароҳатни стандарт тозалови ҳамда унга маҳаллий қўлланган левомикол малҳамидан дезинтоксикацион (яллиғланишга қарши) таъсири жиҳатидан қолишмаслигини кўриш мумкин.

Худди шундай динамикани Кальф-Калиф (3.6-расмга қаралсин) ва Островкий (3.7-расмга қаралсин) бўйича ҳисобланган лейкоцитар индекс интоксикация (ЛИИ) кўрсаткичларида ҳам кузатдик. Тажрибанинг 1-3 кунда

диабетик панжали каламушларда ушбу кўрсаткич қиймати ошиб, кейинчалик аста-секин камая борди ва 14-кунга келиб интакт каламушлар қиймати каби бўлди. Диабетик панжали ҳайвонларга қўлланилган даво таққослаш (стандарт тозалов+левомекол) ва айниқса асосий гуруҳда (стандарт тозалов+композит коллаген) ҳам ЛИИнинг қиймати интакт каламушлар қийматига қараб камая борди. Агарда таққослаш гуруҳига қўлланилган давода Островкий бўйича ЛИИнинг қиймати назорат гуруҳига нисбатан тажрибанинг 3 ва 7-кунларига мос ҳолда 1,23 ($P<0,01$) ҳамда 1,32 ($P<0,001$) марта камайган бўлса, композит коллаген қўлланилган асосий гуруҳда ҳам ЛИИнинг қиймати мос ҳолда 1,38 ($P<0,001$) ҳамда 1,65 ($P<0,001$) марта камайганини кўриш мумкин.



Изоҳ: * - интакт гуруҳ кўрсаткичлари билан таққослаш ишончилиги ($*-P<0,001$); ^ - назорат гуруҳ кўрсаткичлари билан таққослаш ишончилиги ($^P<0,001$); &- таққослаш гуруҳ кўрсаткичлари билан таққослаш ишончилиги ($&-P<0,001$).

3.6-расм. Композит коллагеннинг диабетик панжали каламушларда Кальф-Калиф бўйича ЛИИнинг кўрсаткичлари динамикасига таъсири


Бунда қўлланилган стандарт тозалов ва левомеколдан кейинги қиймат ҳали ҳам интакт гуруҳи каламушлари қийматидан ишончли равишда ошган бўлса, композит коллаген қўлланилган асосий гуруҳ қийматлари эса нормал (интакт) кўрсаткичларга тенглаша борди.

Юқоридаги таҳлиллар қуйидаги хулосаларга олиб келди:

1. Каламуш организмидаги иммун бузилиш тажрибанинг биринчи уч кунда яққол намоён бўлиб, токсик иммуносупрессиянинг натижаси ҳисобланади ва жароҳатда бошланган яллиғланиш-инфекцион ҳолати қон хужайралари ҳамда лейкопоезга таъсир этади.

2. Лейкоцитлар силжиш индекси ҳайвонлар организмидаги иммунологик реактивлик силжишини намоён этиб тажрибанинг 7-кундан бошлаб композит коллагеннинг дезинтоксикацион таъсири яққол намоён бўла бошлаганини кўрсатди.

3. ЛИИ ҳамда НРЖ эндоген интоксикацияни тажрибанинг эрта кунларида ифодалагани ҳолда композит коллагендаги кверцетин ҳисобига яллиғланиш жараёнининг 3-кундан бошлаб 14-кунгача кескин камая борганини кўриш мумкин.



Изоҳ: * - интакт гуруҳ кўрсаткичлари билан таққослаш ишончилиги (*- $P < 0,001$); ^ - назорат гуруҳ кўрсаткичлари билан таққослаш ишончилиги (^- $P < 0,001$); &- таққослаш гуруҳ кўрсаткичлари билан таққослаш ишончилиги (&- $P < 0,01$).

3.7-расм. Композит коллагеннинг диабетик панжали каламушларда Островкий бўйича ЛИИнинг кўрсаткичлари динамикасига таъсири

Бизнинг натижаларимиз шуни кўрсатадики, композит коллаген (кверцетин) маҳалий қон реологиясини кучайтиради, антиоксидант хусусиятига эга, озод радикалларни қамраб олиши ҳисобига юқори антирадикал активлигининг

борлиги, эндотоксинларнинг биотранспортида хужайраларнинг физиологик функцияларини тиклайди. Юқоридаги лаборатор натижалардан келиб чиқиб диссертация ишимизга *“Композит коллаген қўлланганда аллоксан диабетли каламушларнинг лаборатор кўрсаткичлари”* номли ВГУ (№ ВГУ 1476 /06.06.2024) олинди.

Шундай қилиб композит коллаген (коллаген+кверцетин) кунора жароҳат дефектига қўлланганда дастлаб коллаген жароҳат юзасида дилдирок плёнка ҳосил қилиш ҳисобига экссудациянинг камайиши яъни яра дефектидан яллиғланиш маҳсулотларининг деярли ажралмаслиги, диабетик панжали каламушлар периферик қонида лимфоцитларнинг кам даражали ошиши, лейкоцитоз ҳамда нейтрофилёзнинг эрта кунларда пасайиши намоён бўлди. Композит коллаген аллоксанли диабет фонида оёқ панжа дефекти яра жараёни кечишига янада ижобий таъсир кўрсатди. Бу полидипсия ва полиуриянинг камайиши, ҳайвонлар ҳолатининг яхшиланиши билан намоён бўлди. Кунора қўлланган композит коллаген диабетик панжали каламушлар периферик қонида лимфоцитларнинг кам даражали ошиши, лейкоцитоз ҳамда нейтрофилёзнинг эрта кунларда пасайишига таъсир этди.

Учинчи боб бўйича хулоса

Шундай қилиб олинган таҳлиллар коллаген таркибидаги кверцетиннинг каламушлар организмига кенг спектрли биологик таъсирини кўрсатди.

Диабетик панжали каламушларда жароҳат дефекти ҳисобига юзага келган яллиғланиш омиллари, эндоген интоксикация ривожланиши, тадқиқот давомийлигига, хусусан, аллоксанли гипергликемия фонида панжада яллиғланиш-инфилтратив жараёнининг боришига боғлиқ бўлади. Эндоген интоксикация ривожланишининг далили сифатида асосий гематологик кўрсаткичларнинг юқори қийматларда намоёнлиги билан ифодаланди. Бинобарин композит коллагендаги кверцетин “биокимёвий санация” таъсирига эга ва эндотоксинларнинг биотранспортида хужайраларнинг физиологик функцияларини тиклайди.

Биз томонимиздан ҳисобланган умумий интоксикация индекслари иммунитетнинг ҳолатини акс эттирувчи, тадқиқотнинг дастлабки босқичларида иммунитет тизимининг декомпенсациясини ва кейинчалик яллиғланиш-инфильтрацион жараёнлар пасайишини, табиий иммунитет тизими сифатида декомпенсацияланган ҳолатга ўтишини кўрсатди.

Диабетик жароҳат дефекти жараёнининг ривожланиш динамикасида, айниқса тажрибанинг дастлабки босқичларида лейкоцитлар интоксикацион индекси, нейтрофиллар жавоб реакцияси, яллиғланиш омиллари, хусусан цитокинлардан интерлейкинлар жароҳат соҳасини битишида катта рол ўйнайди. Яллиғланиш омилларидан ИЛ-1 β кўрсаткичи таққослаш гуруҳига нисбатан 1.25 марта ($P < 0.001$) эртароқ камайгани яра дефектидаги яллиғланиш босқичини эртароқ тугатганини кўришимиз мумкин.

Эксперимент давомида композит коллаген қўлланган диабетик панжали асосий гуруҳ ҳайвонлари қонида VEGF-A ҳамда IGF-1 нинг миқдори статистик жиҳатдан сезиларли ошиши, композит коллагеннинг жароҳат битиши учун ўсиш омилларига ижобий таъсирини кўрсатди. Тажрибанинг охири кунларида эса бу кўрсаткичларнинг нормал қийматларга тенглашганини ушбу омилларни қандли диабет фонида жароҳат битиш жараёнларига таъсирини янада чуқурроқ ўрганишни тақозо этади.

Биз томондан олинган натижалар шуни кўрсатдики, янги маҳаллий кверцетин ва коллаген I тип асосли композит коллаген қандли диабетнинг оёқ панжадаги асорат шаклини даволашда муҳим даволаш усули бўлиб, жароҳатни тезроқ битказишга эришиладиган замонавий даволаш усули ҳисобланади.


IV-БОБ. КАЛАМУШЛАРДА ДИАБЕТИК ТОВОН МОДЕЛИДА ЖАРОҲАТ БИТИШИГА КОМПОЗИТ КОЛЛАГЕН ТАЪСИРИНИ МОРФОФУНКЦИОНАЛ БАҲОЛАШ

§4.1. Диабетик товон моделида композит коллагеннинг жароҳат битишига ва планиметрик кўрсаткичларига таъсири

Қандли диабетга чалинган беморлар учун жароҳатнинг битиши катта муаммоли ҳолат эканлиги сир эмас. Бу нафақат унинг ривожланишининг молекуляр механизмларини очишни, балки терапевтик усулларни ишлаб чиқишни ҳам талаб қилади. Шу муносабат билан биз диабетик панжали каламушларнинг планиметрик ва морфологик кўрсаткичларини ва бу кўрсаткичларга композит коллагеннинг таъсирини таҳлил қилдик.

Диабетик жароҳатли оёқ панжани, ошқозон ости беzi ва жигар органларининг морфологик текшируви тажрибанинг 1, 3, 7, 10 ҳамда 14-кунларида амалга оширилди. Жароҳатни текширишда яра жараёнининг куйидаги параметрларига эътибор қаратилди: яллиғланиш реакциясининг мавжудлиги ва унинг табиати (характери), струпнинг мавжудлиги ва табиати ҳамда унинг остидаги тўқималарга ёпишиш мустаҳкамлиги, перифокал яллиғланишнинг намоёнлиги, жароҳат атрофида инфильтрацион тўқима юзага келиши ва терининг қизариши, жароҳатнинг чети ва чуқурлик ҳолати, некротик тўқималардан жароҳатнинг тозаланиши ҳамда Грануляция юзага келиш муддати, грануляцион тўқима табиати, ярада эпителизация бошланиш муддати. Назорат гуруҳи диабетик панжали каламушлар жароҳати хар кун бир маҳал 3%ли водород пероксид (H_2O_2) билан ювилиб, стерил салфетка билан қуритилди. Таққослаш гуруҳи диабетик панжали каламушларининг жароҳати эса худди шундай 3% ли H_2O_2 билан ювилди ва қуритилди ҳамда левомекол (Нижфарм АО, Россия) малҳами бир маҳал суртилди. Асосий гуруҳ диабетик панжа жароҳат дефектли каламушларига эса кунора 3% ли H_2O_2 билан ювилиб шундан сўнг композит коллаген (коллаген I тип+кверцетин) бир маҳал суртилди (4.1a, б, с-расмларга қаралсин). Композит коллаген кунора

қўлланилганига сабаб, жароҳатга сурилганидан кейин 20 дақиқадан сўнг плёнка ҳосил қилади ва бу жароҳатга ўзига хос матрица беради, натижада жароҳатдаги экссудацияни ажралиши камайиши, жароҳат намланишининг қолган гуруҳлардан кам бўлишига олиб келади.




а-назорат гуруҳи б-таққослаш гуруҳи с-асосий гуруҳ
4.1-расм. Экспериментал диабетик жароҳат дефектли каламушлар
жароҳатига ишлов бериш.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, каламушларнинг назорат гуруҳида жароҳатдан кейин бир кун ўтгач (24 соат) жароҳатнинг ўлчами катталашганлиги кузатилди, бунда шиш туфайли жароҳатнинг қирралари бири-биридан узоқлашгани, шишнинг бутун оёққа тарқалгани билан боғлиқлигини кўриш мумкин (4.2-расм).


Оёқ панжа терисида юзага келтирилган жароҳат моделининг 1-кунида жароҳат юзаси ундан ажралган ажралма ҳисобидан юпқа струп билан қопланди. Ҳайвон қўлга олиб кўрилганда жароҳатдаги струп қобиғи осон ажралиб атрофидан сероз суюқлик ажралиши кузатилди. Яллиғланишнинг яққол ифодаланган белгилари намоён бўлди; жароҳат четлари шишганлиги, некрозлар пайдо бўлиши ва гиперемия белгилари, жароҳат тубида эса фибрин толаларининг кўриниши кабилар.

Назорат гуруҳи диабетик оёқли ҳайвонларда яра тўқималари ва тери атрофини морфологик текшириш тажрибанинг 1-кунида яранинг туби ва

четлари некротик масса фонида қон ва гематоген пигментлар аралашмаси билан қопланганлигини кўрсатди. Жароҳат атрофидаги эпидермис алтерация ҳолатида бўлиб мугузланиш, ясси эпителийнинг вакуолизацияси, эпидермиснинг базал хужайралари пролифератив активлигининг кучайиши кўринишида кузатилди. Дермада қон томирлар кенгайган ҳолатида бўлиб периваскуляр ўчоқли қон қуйилиши ҳамда тўлақонли ҳолати кузатилди. Дерманинг бириктирувчи тўқима хужайра элементлари жароҳат атрофида дистрофия ва дегенерация ҳолатида эди. Дерманинг бириктирувчи тўқима толали структураси қон кетиш ва шиш ҳисобига мукоид бўкиш ўчоғи билан юмшаган ва титилган кўринишда эди (4.3а-расм).



4.2-расм. Назорат, таққослаш ва асосий гуруҳлар ўртасида диабетик жароҳат дефекти юзага келганидан сўнг 1, 3 ва 7 кунларда оёқ панжа жароҳатларининг тасвирлари ва жароҳатларнинг ўлчамини (майдонини) таққослаш



а

б


4.3-расм. Назорат гуруҳи каламушларининг диабетик оёқ панжаси. а-тажрибанинг 1-кунида эпидермис дистрофияси, шиш, дерма толали структурасининг мукоид бўкиши (1); б-тажрибанинг 3-кунида эпидермис юпқаланиши, дермада яллиғланиш ҳужайраларининг пайдо бўлиши (2). Бўёқ; Г-Э. 10×20.

Дерманинг бириктирувчи тўқима оралик моддаси шиш, миксаматоз ҳамда баъзи жойларда метахроматик кўринишга эга бўлди.

Худди шу гуруҳ (назорат) каламушлар диабетик оёқ панжасининг 1 ва 3-кунларида жароҳатни 3%ли H_2O_2 билан ювилгандан кейинги морфологик ўзгаришини Ван-Гизон бўёғи билан синаб кўрдик (4.4а, б-расм).

Бунда *эпидермисда* қуйидаги ўзгаришларни: эпителийнинг ўчоқли юпқаланиши ҳамда ўчоқли яраланиши, бир қанча жойларда эпителийнинг жароҳатга ҳужайра реакцияси белгиси сифатида қалинлашганини кўриш мумкин; *дермада*: нейтрофиллар ва моноцитларнинг юқори миқдорда ошганлигини кўриш мумкин. Шунингдек фибриноиднинг мавжудлиги яллиғланиш ва регенератор жараёнларни фаоллашганини кўрсатади; *коллаген толалари*: қизил билан бўялган коллаген толалари кесмасида уларнинг нормал структураси ўзгарганини кўриш мумкин. Дерманинг бир қанча жойларида коллаген толаларининг кам тартибланганлигини кўриш мумкин – бу эса бириктирувчи тўқиманинг бошланғич яллиғланиши ва бузилишини

шунингдек жароҳатланган ўчоқда коллаген толаларининг нотекис тақсимланганлигини кўрсатади; *қон томир ўзгариши*: яллиғланишга қон томир ўзанининг реакцияси томирларнинг ўчоқли кенгайиши (вазодиятатсия) сифатида кузатилди, шунингдек қон тўлақонлиги ва капиллярларнинг кенгайиши микроциркулятор бузилишни кўрсатади; *ҳужайралар инфильтрацияси*: дерма тўқимасида нейтрофиллар ва моноцитлар инфильтрацияси – ўткир яллиғланиш белгисини кўрсатади.



4.4-расм. Назорат гуруҳи каламушларининг диабетик оёқ панжаси. а-тажрибанинг 1-кунида дермада коллаген толаларининг нормал структураси кизил билан бўялган (1); б-тажрибанинг 3-кунида дермада нейтрофил ва моноцитлар микдорининг ошиши (2). Бўёк; Ван-Гизон. 10×20.

Тажрибанинг 3-кунида яра дефектининг эпителизация тезлигини планиметрик текшириш натижалари таҳлил қилинганда ҳайвонларда яра дефекти зич тўқ рангли струп билан қопланганлигини ва яллиғланиш белгилари сақланиб қолганлигини кузатдик. Жароҳатнинг перифокал кўригида ундан тери қопламасининг бўртиб кетганлигини кўриш мумкин. Назорат гуруҳи ҳайвонларида жароҳат ревизиясида струпнинг (қора кўтир) осон ажралиб унинг остида хира рангли фибрин билан қопланган некроз ўчоғини кўриш мумкин. Жароҳат майдони $12,1 \pm 0,40$ мм² дан $10,0 \pm 0,33$ мм² гача қисқарганини,

Попов бўйича жароҳатнинг қисқариш катталиги эса $8,67 \pm 0,27\%$ ни ташкил этди ($S\% = [S - S_n / S \times t] \times 100\%$) (4.1-жадвал).

4.1-жадвал

Каламушларда диабетик панжа (товон) моделида жароҳатнинг планиметрик кўрсаткичларининг ўзгариш динамикаси, $M \pm m$

Хайвонлар гурухи	Жароҳат ўлчами, мм		Жароҳат майдони, мм ²	Попов бўйича катталиқ, %
1-кун				
Назорат гурухи	2,2±0,072	5,5±0,17	12,1±0,40	-
Таққослаш гурухи	2,2±0,072	5,5±0,17	12,1±0,40	-
Асосий гуруҳ	2,2±0,072	5,5±0,17	12,1±0,40	-
3-кун				
Назорат гурухи	2,0±0,064&	5,0±0,15&	10,0±0,33&&&	8,67±0,27
Таққослаш гурухи	1,9±0,062&&	4,7±0,14&&	8,93±0,29*&&&	13,1±0,45***
Асосий гуруҳ	1,85±0,058*&	4,5±0,14***&&&	8,32±0,26***&&&	15,6±0,50***^
7-кун				
Назорат гурухи	1,7±0,056&&	4,0±0,13&&&	6,8±0,21&&&	7,3±0,24&&
Таққослаш гурухи	1,6±0,052&&	3,5±0,12*&&&	5,6±0,18***&&&	8,95±0,29***&&&
Асосий гуруҳ	1,5±0,051*&&&	3,0±0,095***^&&&	4,5±0,15***^&&&	10,46±0,35***^&&&
10-кун				
Назорат гурухи	1,6±0,051	3,1±0,097&&&	4,96±0,16&&&	6,5±0,22&
Таққослаш гурухи	1,2±0,039***&&&	2,0±0,065***&&&	2,4±0,079***&&&	8,9±0,28***
Асосий гуруҳ	Жароҳат тўлиқ битди			
12-кун				
Назорат гурухи	1,2±0,037&&&	2,2±0,074&&&	2,64±0,085&&&	7,11±0,23&
Таққослаш гурухи	Жароҳат тўлиқ битди			
Асосий гуруҳ	Жароҳат тўлиқ битди			
14-кун				
Назорат гурухи	Жароҳат тўлиқ битди			
Таққослаш гурухи	Жароҳат тўлиқ битди			
Асосий гуруҳ	Жароҳат тўлиқ битди			


Изоҳ: * - назорат гуруҳ кўрсаткичлари билан таққослаш ишончилиги (*-P<0,05; **-P<0,01; ***-P<0,001); ^ - таққослаш гуруҳ кўрсаткичлари билан таққослаш ишончилиги (^-P<0,05; ^^ -P<0,01; ^^^-P<0,001) ; & - олдинги кун кўрсаткичлари билан таққослаш ишончилиги (&-P<0,05; &&-P<0,01; &&&-P<0,001)

Попов бўйича жароҳатнинг қисқариш катталигини ҳисоблаш $S\% = [S - S_n / S \times t] \times 100\%$ формула орқали бажарилди: бу ерда $S\%$ - жароҳатнинг қисқариш катталиги; S – дастлабки жароҳат майдони; S_n – айна пайтдаги жароҳат майдони; t – ўлчашлар ўртасидаги оралик вақт.

Тажрибанинг 3-кунида жароҳат атрофидаги тери эпидермиси оралик ҳужайраларнинг кератози ва некробиози кучайиши ҳисобига юпқалашганини кўриш мумкин. Терининг хусусий бириктирувчи тўқимасида кучли шиш кузатилиб, толали структураси ва ҳужайра элементлари эса парчаланиш ҳамда некробиоз ҳолатида бўлди. Дерма остида эса ўткир яллиғланишнинг ҳужайра элементлари пайдо бўлиши кузатилди (4.4-б расм). Шу билан бирга дерманинг ҳужайра элементлари пролифератив фаоллик ва митотик бўлиниш ҳолатида эди. Толали тузилмалар шишган ҳолатида бўлиб ҳужайралараро моддада эозинофил масса пайдо бўлиши сабабли гомогенлашиш кузатилди.

Тажрибанинг 7-8-кунида назорат гуруҳи ҳайвонларининг диабетик панжали жароҳат соҳасида шишнинг кузатилиши давом этди (4.5-расмга қаралсин). Ярани босганимизда қалин қуйқали йиринг оқиб чиқиб, яранинг четларида эса йирингли фибрин қатлами билан қопланганлиги ҳамда некротик ўчоқлар бўлганини кузатдик. Жароҳатнинг йирингли-некротик массадан актив тозаланиш белгилари кузатилмади. Атроф тўқималарда яллиғланиш жараёни сақланиб қолди. Кунлик хирургик тозалов амалга оширилиб турилди. Жароҳат майдони $6,8 \pm 0,21 \text{ мм}^2$ ни, Попов бўйича жароҳатнинг қисқариш катталиги эса $7,3 \pm 0,24\%$ ни ташкил этди (4.1-жадвалга қаралсин).

Диабетик панжанинг морфологик текшируви жароҳатнинг тубида некротик массанинг ҳамда яллиғланиш инфилтратининг сақланиб қолганини кўрсатди (4.1.6а, б-расм). Диабетик панжа юзага келтирилган кундан тажрибанинг 7-кунида жароҳат эпидермиси атрофида дистрофик ва некробиотик ўзгаришлар кузатилди. Кўп қаватли ясси эпителий ажралган, вакуолизатсия ҳамда некроз ҳолатида бўлиб бундай ўчоқлар атрофида нейтрофил-лейкоцитар яллиғланиш кўринишидаги йирингли-яллиғланишнинг юзага келгани аниқланди ва абсцесс шаклланди.


	НАЗОРАТ ГУРУҲИ	ТАҚҚОСЛАШ ГУРУҲИ	АСОСИЙ ГУРУҲ
10-КУН			
12-КУН			ЖАРОҲАТ БИТГАН
14-КУН		ЖАРОҲАТ БИТГАН	ЖАРОҲАТ БИТГАН

4.5-расм. Назорат, таққослаш ва асосий гуруҳлар ўртасида диабетик жароҳат дефекти юзага келгандан сўнг 10, 12 ва 14 кунларда оёқ панжа жароҳатларининг тасвирлари ва жароҳатларнинг ўлчамини (майдонини) таққослаш.

Дермада шунингдек йирингли-яллиғланиш ўчоғи пайдо бўлиб нейтрофил лейкоцитларнинг оралик моддада ҳамда толалар структураси ҳамда томирлар орасида тўпланиши кузатилди (4.6а-расм).

Назорат гуруҳида тажрибанинг 10-кунида жароҳат дефектининг ўлчами $4,96 \pm 0,16 \text{ мм}^2$ гача сақланиб, регенерация коэффиценти $6,5 \pm 0,22\%$ ни ташкил этди. Жароҳат тубида кичик йирингли ўчоқ аниқланиб, жароҳат тозаланиши секин ва яққол ифодаланмаган тўқима Грануляция си кузатилди. Жароҳат перекис водороднинг (H_2O_2) 3% ли эритмаси билан тозаланиб турилди. Тажрибанинг 11-кунига келиб жароҳатнинг йирингли-некротик массалардан

тозаланиши давом этди, жароҳат Грануляция си ва четларининг эпителизацияси кузатилди (4.1; 4.2-жадваллар). Диабетик панжа юзага келтирилган кундан 10 кун ўтиб морфологик текширув жароҳат тубида ва атрофида абсцесс кўринишидаги массив йирингли яллиғланиш ўчоғи аниқланади. Жароҳат атрофи эпидермиси тўлиқ ажралган ва некроз ҳолатида эканлиги аниқланиб, барча томондан нейтрофил-лейкоцитар инфильтрат кузатилди.



4.6-расм. Диабетик панжа, Назорат гуруҳи. 7-кунда дермада жароҳат атрофида ўткир яллиғланиш (1) белгиларининг пайдо бўлиши (а). Тажрибанинг 10-кунида эпидермиснинг ажралиши, дермада абсцесс ўчоғининг (2) пайдо бўлиши (б). Бўёқ; Ван-Гизон. 10×20.

Дерманинг барча қаватларида бириктирувчи тўқима элементлари титилган ҳолатида бўлиб абсцесс ва некробиоз ўчоқлари кузатилади (4.6б-расм). Йирингли яллиғланиш жараёнида тўқима парчаланиш қисми ҳамда калсиноз ва микроблар колонияси аниқланади. Тажрибанинг 14-кунида эсатерининг эпидермис ва дерма қаватларининг тикланиши ҳамда яллиғланиш белгилари кузатилди.

Шундай қилиб гипергликемия ангиогенез бузилиши ҳисобига кичик томирлар асоратларини чақиради ва яллиғланиш жараёнини узайтириб жароҳат битишига тўсқинлик қилади. Диабетик панжа юзага келтирилишида жароҳат туби ва атрофида динамикада дистрофик, дегенератив, некробиотик

ва яллиғланиш ўзгаришлари юзага келади. Жароҳат атрофида яллиғланиш жараёни абсцесс ва флегмона ўчоқларининг юзага келиши билан намоён бўлди, бунда нейтрофил лейкоцитар инфильтрация томир атрофида дастлаб тўғридан-тўғри эпидермис остида юзага келиб кейинчалик дерма ва эпидермиснинг барча қаватларига тарқалди. Назорат гуруҳида жароҳат тажрибанинг 14-кунида битди.

Жароҳат битишига стандарт тозаловдан ташқари левомекол малҳами қўлланилган диабетик панжали таққослаш гуруҳи ҳайвонларининг жароҳат дефекти, назорат гуруҳи каламушлариникидан деярли фарқ қилмади (4.2-расмга қаралсин). Жароҳат майдони ўлчами худди назроат гуруҳиники каби сақланиб қолиб, жароҳат туби ва четлари эса қон аралаш некротик масса ҳамда гематоген пигмент билан қопланди. Морфологик текширув эпидермис ва дермада шиш ва юмшаш белгиларининг сақланиб қолганини кўрсатди. Эпидермисда зижлашиш кўринишидаги эпидермиснинг ҳужайрали таркибини дистрофик ҳамда деструктив ўзгаришлар мавжудлигини аниқлаш мумкин бўлди. Дермада бириктирувчи тўқима элементлари оралиқ модда шиши ҳисобига тарқоқ кўринишда эди. Ҳужайра элементлари кам сонли бўлиб, мавжудлари ҳам деструкция ва некробиоз ҳолатида эди. Ҳужайралараро оралиқ моддада кучли шиш бўлганлиги сабабли толали тузулмалар титилган, фрагментли ҳамда тартибсиз жойлашув кўринишида эди.

4.2-жадвал

Жароҳатнинг битиш жараёни белгиларининг юзага келиш даврлари (кун) динамикаси, $M \pm m$

Ҳайвонлар гуруҳи	Жароҳат тозаланиши	Грануляция бошланиши	Эпителизация бошланиши
Назорат гуруҳи	11,5±0,38	10,2±0,34	11,2±0,36
Таққослаш гуруҳи	7,3±0,24***	7,5±0,26***	9,4±0,31**
Асосий гуруҳ	5,3±0,16***^^	5,4±0,17***^^	7,4±0,25***^^


Изоҳ: *- назорат гуруҳ кўрсаткичлари билан таққослаш ишончилиги (*-P<0,05; **-P<0,01; ***-P<0,001); ^ – таққослаш гуруҳ кўрсаткичлари билан таққослаш ишончилиги (^-P<0,05; ^^P<0,01; ^^P<0,001)

Тажрибанинг 3-кунида таққослаш гуруҳи каламушларининг диабетик панжа жароҳати атроф тўқималарини ўрганиш ушбу даврда ҳам терининг

дерма бириктирувчи тўқимасида шишнинг сақланиб қолганини кўрсатди. Жароҳат майдонининг ўлчами $8,93 \pm 0,29$ мм² ни, жароҳат қисқаришининг Попов бўйича катталиги эса $13,1 \pm 0,45\%$ ни ташлик этиб назорат гуруҳи каламушлари катталигидан 1,51 мартага ($P < 0,001$) ишончли равишда ошди (4.1-жадвалга қаралсин). Жароҳатдан хира рангли қон аралаш экссудат ажралиб, жароҳат четларида эса некрозлашган ўчоқлар аниқланди. Кунлик хирургик тозалов бажарилиб турилди. Морфологик текширувда дерма хужайра ва толали элементларининг тартибсизлиги ҳамда фрагментлилиги кузатилди. Бириктирувчи тўқима хужайралари ҳамда томир хужайраларининг цитоплазма ва матриксда ядронинг бўкиши ҳисобига бир неча бор катталашганини кўриш мумкин. Томирлар атрофида пролифератив актив лимфоид ва гистиоцитар хужайраларнинг тўплангани аниқланади. Эпидермис зичлашганлигини, гиперхромлиликини кузатиб юза жойлашган хужайралар қатламининг дистрофия ва кератоз ҳолатида эканлигини ҳамда эпидермиснинг базал хужайралар қатламининг гиперхромлилиги ва пролиферациялашганини кузатдик.

Тажрибанинг 7-кунида таққослаш гуруҳида (жароҳатни стандарт тозалови+левомекол) жароҳат дефекти ўлчами (майдони) $5,6 \pm 0,18$ мм² ни, регенерация коэффиценти эса $8,95 \pm 0,29\%$ ни ташкил этиб назорат гуруҳи каламушларига нисбатан 1,22 ($P < 0,001$) мартага ишончли юқори бўлди (4.1-жадвалга қаралсин). Жароҳатдан хира сероз суюқлик ажралиши сақланиб қолиб, жароҳат четлари фибрин билан қоплангани ҳолда некрозлашган ўчоқлар аниқланди. Жароҳат туби бириктирувчи тўқима элементлари билан қопланганлиги ҳамда йирингли-некротик массадан жароҳатнинг тозаланганлиги аниқланади (4.2-жадвалга қаралсин). Атроф тўқимада яллиғланиш жараёни сақланиб турди. Жароҳатни кунлик хирургик тозалови амалга оширилиб турилди. Диабетик панжанинг (таққослаш гуруҳи) морфологик текширувида (бўёк: Ван-Гизон) эпидермиснинг бир қанча жойларда юпқалашгани жароҳатнинг битиш жараёни секин ёки етарли кечмаганидан далолат беради. Дермада қизил билан бўялган коллаген

толаларининг якқол тузилмаларини кўриш мумкин. Аммо коллаген тўлик ўзининг тузилмаларини намоён этмаганлиги жароҳатнинг битиши охирига етмаганидан далолат беради. Бир қанча жойларда коллаген структураси юмшоқ-ғовакли ҳамда мукаммал ташкилланмаган тўр кўринишида намоён бўлганлиги яллиғланиш жараёни давом этганлигини кўрсатади. Қон томирларнинг енгил гиперемияси микроциркуляцияни бироз кучайганлигини кўрсатиб жароҳат битишининг типик белгиси ҳисобланади. Бир қанча жойларда қоннинг димланиши сурункали яллиғланиш белгиси ҳисобланади. Дермада макрофаг ва нейтрофиллардан иборат яллиғланиш инфилтратини кўриш мумкин. Бу эса ўз навбатида актив яллиғланишни камайтириш ва жароҳатнинг битишини тезлаштириш учун жароҳатнинг некротик тўқималардан тозаловини талаб этади. Грануляцион тўқиманинг намоён бўлиши жароҳат битишининг муҳим омили ҳисобланади. Хусусий коллаген тузилмасининг бир қанча етишмовчилигига қарамасдан жароҳатнинг актив битиши давом этаётганини кузатиш мумкин (4.7а, б-расм).



4.7-расм. Диабетик панжа, Таққослаш гуруҳи. 7-кунда жароҳат тубида некротик массанинг (1) ва яллиғланиш инфилтратининг сақланиб қолиши (а). Тажрибанинг 10-кунида зичлашган яллиғланиш инфилтратининг (2) диабетик панжа жароҳати атрофида пайдо бўлиши (б). Бўёқ; Ван-Гизон. 20×20.

Тажрибанинг 7 ва 10-кунларида таққослаш гуруҳи каламушларининг диабетик панжа жароҳат дефекти майдони $5,6 \pm 0,18 \text{ мм}^2$ ва $2,4 \pm 0,079 \text{ мм}^2$ ни ташкил этиб назроат гуруҳи каламушлари қийматларидан мос равишда 1,21 ($P < 0,001$) ҳамда 2,1 ($P < 0,001$) мартага статистик жиҳатдан кам бўлди. Коэффицент регенерация эса $8,95 \pm 0,29$ ва $8,9 \pm 0,28\%$ ни ташил этиб тажриба кунларига мос равишда 1,23 ($P < 0,001$) ҳамда 1,37 ($P < 0,001$) мартага юқори бўлди. 8-9 кунларда эса жароҳат тубида якқол грануляцион тўқима ҳамда четларида эпителизация кузатилди (4.2-жадвалга қаралсин). Жароҳат йирингли-некротик массадан тозаланди. Жароҳатни кунлик хирургик ишлови амалга оширилди.

Жароҳат туби ва атрофида морфологик жиҳатдан яллиғланган грануляцион тўқима ҳамда некроз ва қон қуйилиш ўчоқлари аниқланади. Яллиғланиш инфилтрати ўзида пролифератив актив лимфоид ва гистиоцитар хужайраларни мужассамлаштиради (4.7б-расм). Тартибсиз жойлашган аргирофил ҳамда коллаген толали тузилмаларни кўриш мумкин. Яллиғланиш инфилтрати марказида атрофи фибриноид некроз ҳамда гомоген толали масса билан қопланган дефект аниқланилади. Яллиғланиш инфилтрати атрофидаги бириктирувчи тўқима эса шишган, толали тузилмаси титилган некробиоз ҳолатида эди.

Юқорида келтирилган маълумотлар диабетик панжали жароҳатга қўлланган H_2O_2 нинг 3%ли эритмаси ва левомекол малҳамидан сўнг жароҳат атрофидаги шиш ва деструктив ўзгаришларнинг бир қанча сусайгани, аммо тажрибанинг 10-кунида ҳам яллиғланишнинг морфологик белгилари сақланиб қолганини кўриш мумкин. 12-кунга келиб каламушлардаги жароҳат дефекти шу гуруҳда тўлиқ битганини кузатдик.


Композит коллаген қўлланган диабетик панжа жароҳат дефектли асосий гуруҳда тажрибанинг 1-кунида назорат гуруҳи каламушлариникидан деярли фарқ қилмаган ўзгаришларни кузатдик. Жароҳат майдони ўлчами худди назорат гуруҳиники каби бўлиб, жароҳат туби ва четлари қон аралаш некротик масса ҳамда гематоген пигментлар билан қопланган эди. Жароҳатда

перифокал чизик аниқланади. Жароҳат струп (қора кутир) билан қопланган. Бу гуруҳда ҳам жароҳатни H_2O_2 нинг 3%ли эритмаси билан тозалаб унга композит коллаген бирикмаси қўлланди (кунора). Диабетик панжанинг морфологик текшируви тажрибанинг 1-кунида композит коллаген билан даводан сўнг жароҳат четларида бириктирувчи тўқима толали-томир тузилмаси аниқланди. Бунда бирқанча кенгайган қон томирлар, тўлақонлик, бириктирувчи тўқима хужайралари, асосан томирлар атрофида пролифератив активлик аниқланди. Шунга қарамасдан бириктирувчи тўқима толали тузилмасида шиш, гомогенлашган ва фиброеластоза кўринишидаги дистрофияни кузатиш мумкин. Ўткир яллиғланиш жараёни белгилари минимал кўринишда бўлди.

Тажрибанинг 3-кунида диабетик панжа жароҳати атроф тўқимаси ўрганилганда ушбу кунда ҳам тери дермасидаги бириктирувчи тўқимада шиш ҳолати сақланиб қолганини кўриш мумкин. Жароҳат майдони ўлчами $8,32 \pm 0,26$ мм² ни ташкил этиб назорат гуруҳи каламушлари қийматидан $1,20$ ($P < 0,001$) марта кам, Попов бўйича жароҳатнинг қисқариш катталиги эса $15,6 \pm 0,50\%$ ни ташкил этиб $1,80$ ($P < 0,001$) марта назорат гуруҳи қийматларидан ишончли юқори бўлди (4.1-жадвалга қаралсин). Струпни (қора кутир) олиб ташлаш давомида қон қуйилган ўчоқлар ҳамда қон аралаш экссудат ажралаётганини кузатдик. Жароҳат четларида некрозлашган ўчоқлар аниқланади. Жароҳатнинг яллиғланиши атроф тўқималарга ҳам ўтиш ҳолати кузатилди. Бу гуруҳда жароҳатга кунора хирургик ишлов берилди. Чунки композит коллаген қўллангандан сўнг жароҳат юзасида плёнка кўринишидаги қоплама пайдо бўлади ва бу қопламани ҳар куни олиб ташлаш ярамайди. Айнан бу ҳолат жароҳат юзасидан экссудат ажралишини камайтириб жароҳат намлигини камайтиради ва унинг тез битишига сабаб бўлади (4.8а,б,с-расм).

Композит коллаген билан ўтказилган давонинг 3-куни диабетик панжали каламушларнинг морфологик текширувида жароҳат атрофида фақатгина шиш ва тартибсиз жараёнларни кузатиш мумкин бўлди. Эпидермис қолдиқлари зишлашиш ҳолатида бўлиб базал хужайралар эса пролифератив

актив ҳолатида эди.




4.8-расм. Композит коллагеннинг қўлланилиши: а-дастлаб коллаген петри косачасига солинган; б-унга стерил шпатель (қошиқча) билан ишлов берилганидан 15 дақиқа ўтган ҳолат; с-коллаген жароҳатга сурилганидан сўнг ҳосил бўлган ўзига ҳос плёнка.

Эпидермиснинг юза қатламидаги эпидермотситлар шишган бўлиб цитоплазмаси юмшоқ ҳолатида бўлди. Эпидермис остида дерманинг бириктирувчи тўқимасида шишган ҳамда чегараланган қон қуйилишли ўчоқлар аниқланади. Дерманинг бириктирувчи тўқима хужайралари тартибсиз жойлашиб уларнинг кўплаб қисми пролифератив актив ҳолатида эди. Дерманинг толали тузилмаси эса шиш ҳисобига тартибсиз жойлашган ва фрагментли қисмларга ажралган ҳолатда бўлди.

Жароҳатнинг 5-кундаги кузатувида ажралмалар аниқланмади, қийинлик билан ажралувчи струп билан қопланиб жуда қонашга мойил ва жароҳат четлари бўйлаб некрозлашган ўчоқлар аниқланади, жароҳат актив тозаланади. Жароҳат тубида кўринувчи элементлар яъни грануляцион тўқима кўринади (4.2-жадвалга қаралсин) ва унга кунора хирургик ишлов берилиб турилди. Тажрибанинг 7-кунида композит коллаген қўлланилувчи асосий гуруҳ каламушлари жароҳати дефекти $4,5 \pm 0,15 \text{ мм}^2$ ни ташкил этиб ўз навбатида назорат гуруҳи каламушлар қийматидан 1,51 ($P < 0,001$) мартага камлиги, регенерация коэффиценти эса $10,46 \pm 0,35\%$ ни ташкил этиб 1,43 ($P < 0,001$) марта назорат гуруҳи ҳайвонлари қийматларидан юқори бўлди (4.1-жадвалга

каралсин). Жароҳат кўригида струпнинг (қора кутир) қийин ажралиши, агарда уни ажратишга ҳаракат қилинса кучли қонаши кузатилди. Жароҳат четлари бўйлаб алоҳида қисмларида кам миқдорда фибрин толалари аниқланади. 7-кунга келиб жароҳат тўлиқ тозаланди, унинг тубида яққол грануляцион тўқима аниқланди, жароҳат контракцияси ҳамда четлари бўйлаб эпителизация кузатилди. Атроф тўқималарда яллиғланиш жараёни деярли кузатилмади. Жароҳатнинг кунора тозалови амалга оширилди ва дефект юзага композит коллаген қўлланди (4.8-расм). Диабетик панжа жароҳат дефектли ҳайвонларга қўлланган композит коллагендан сўнг тажрибанинг 7-кунида оёқ панжа морфологик текширувида жароҳат юзасида чегараланган ҳамда ажралган деструктив-некротизланган тўқималар аниқланди (4.9а-расм). Бунда эпидермис яққол регенерация ҳужайралари билан тикланганлигини кузатдик, бу эса жароҳат битишининг прогрессивлашганини кўрсатади. Дермада коллаген толалари нисбатан тартибли жойлашгани тўқиманинг ремоделлашувини кўрсатади. Бу эса бириктирувчи тўқима тикланаётгани ҳисобига жароҳат актив битаётганини билдиради.



4.9-расм. Диабетик панжа, Асосий гуруҳ. 7-кунда жароҳат юзасида некротик тўқиманинг ажралиши (1) ва коллаген толаларининг ремоделлашуви (а). Тажрибанинг 10-кунида эпидермис юзаки қаватининг зичлашиши (2) ва дермада бириктирувчи тўқима фиброзланиши (б). Бўёқ; Ван-Гизон. 20×20.

Қизил билан бўялган коллаген толалари уларнинг қайта шаклланаётганини кўрсатиб тўқима ремоделлашуви ва дерма тузилмасининг мустаҳкамланаётганини билдиради. Аммо шунга қарамасдан бир қанча жойларда толалар ҳали етарли тартибли эмаслиги жароҳатнинг битишда давом этаётгани билан боғлиқ. Грануляцион тўқима нисбатан яққол ифодаланиб ҳужайралар ва коллаген толаларининг қайта шаклланиши кузатилди. Бу эса жароҳатнинг самарали стабил битаётгани билан боғлиқ. Бу ўзгаришлар жароҳат битишида композит коллаген материалынинг самарали ўрнини билдиради. Жароҳат битишида яллиғланиш жараёни камайиши, тўқимада ҳужайра элементлари ҳамда коллаген толалари ва томирлар қайта тикланиши тери тузилмасининг нормаллашувини билдиради.

Тажрибанинг 10-кунида композит коллаген билан даволанган диабетик жароҳат дефектли каламушларнинг жароҳати тўлиқ битди. Морфологик текширувда эпидермиснинг некрозлашган қисмининг ажралиши, юза қаватининг зичлашиши кўринишидаги кўп қаватли эпителийнинг дедифференциллашуви, базал қават ҳужайраларининг пролифератив активлигини ошиши ҳамда вакуолизацияси аниқланади (4.9б-расм). Тўқимада фибробластлар активлигини кўрсатувчи коллаген толалари синтезининг кучайгани кузатилди. Коллаген Ван-Гизон бўёғи билан қизил рангда бўялган, бу эса бириктирувчи тўқима ҳосил бўлганлиги белгиси ҳисобланади. Айрим жойларда қисман некрозлашган ўчоқларнинг борлиги тўқималарнинг қон билан таъминланиши қандли диабет фонида адекват эмаслиги билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бириктирувчи тўқима зичлашган бўлиб ўткир яллиғланиш белгиларисиз, толали тизимлар дезорганизацияси ва ўзаро гомоген тузилмаларнинг бир-бирига қўшилиши натижасида фиброзлашган массани ҳосил қилган. Бу ерда ҳужайра тузилмалари периферия бўйлаб ҳамда қон томирлар атрофида локализатсиялашган, пролифератив актив ҳолатда жойлашган. Тажрибанинг 10-кунида диабетик панжа дефекти юзасида композит коллаген билан ўтказилган даводан сўнг кўп қаватли эпителийнинг сирпанувчи эпителий ҳужайралари кўринишидаги регенерацияси аниқланди.

Бунда эпидермис регенерация майдонида бир неча қаватли актив ва гиперхром эпителиотситлар сифатида намоён бўлди. Эпидермис остида нозик толали тузилмалардан шаклланган базал мембрана аниқланади. Дерма тўқимасида кўплаб томирлар ҳамда пролифератив активли гистиоцитар хужайралардан фарқли равишда ортиқча шаклланган толали, хужайра тузилмалари кўринишидаги репаратив регенерация ўчоқлари аниқланади. Эпидермисдаги каби дермада ҳам ўткир яллиғланиш белгилари аниқланмайди.

Тажрибанинг 14-кунида терининг эпидермис ва дерма қаватларининг яллиғланиш белгиларисиз тўлиқ тикланиши намоён бўлди. Бунда эпидермис тўлиқ дистрофик ўзгаришларсиз кўп қаватли эпителий кўринишида мавжуд бўлиб, дермада дистциркулятсия ва дистрофик ўзгаришларсиз хужайра, толали ва томир тузилмаларининг қайта тикланишини кузатиш мумкин.

Шундай қилиб диабетик панжа дефектининг композит коллаген билан даволаниши натижасида жароҳат атрофида ўткир экссудатив яллиғланишнинг қолган гуруҳ каламушлар жароҳатига нисбатан эрта камайгани аниқланди. Ўтказилган даво динамикасида дистрофик ва деструктив жараёнларнинг стабиллашуви, эпидермис ва дермада репаратив регенерация белгиларининг активлашуви кузатилди, 10-кунда эса барча хужайра-толали тузилмаларнинг дистрофия ва яллиғланиш белгиларисиз тўлиқ тиклангани аниқланди.

§4.2. Аллоксанли диабетик товон моделида каламушларнинг жигар ва ошқозон ости беи ҳолатига композит коллагеннинг таъсирини патоморфологик баҳолаш

Ошқозон ости беи. Қандли диабетда метаболик ўзгаришлар, қон-томир ва неврологик асоратлар амалий жиҳатдан деярли барча аъзо ва тўқималарда ўзига хос ўзгаришларни келтириб чиқаради. Диабетик панжа модели яратилганидан сўнг тажрибанинг 1-кунида каламушлар ошқозон ости безининг (ООБ) морфологик таҳлили интерстициал тўқиманинг кенгайган кўринишидаги яққол шишини, тиниқлашиш, бириктирувчи тўқима тузилмаларининг парчаланишини кўрсатди. Безнинг экзокрин қисми турли

катталиқдаги без тузилмаларининг цитоплазмаси эозин билан интенсив равишда, ядро тузилмаларининг эса гематоксилин билан бўялганини ифодалайди. Эндокрин оролчалар думалок шаклда бўлиб асосининг яққол шиши, ҳужайра элементларининг эса титилиб юпқалашиш кўринишида бўлди. Бир қанча оролча ҳужайраларининг парчаланиши ҳамда некробиози кузатилди. Сақланиб қолган ҳужайралар ўлчами кичрайди, ядро тузилмаси нисбатан оқарган бўялиб, цитоплазма чегарасини аниқлаб бўлмади.


Тажрибанинг 3-кунида ошқозон ости безида интерстициал тўқима шишининг кучайиши, бириктирувчи тўқима тузилмасининг парчаланиши ва тўлиқ лизиси кузатилди. Безнинг экзокрин қисми юмшаб кўплаб жойларида деструкция ва парчаланиш давом этди. Эндокрин оролчаларнинг ўлчами кичрайиб ядрога кам ҳужайрали кариолизис ва кариопикноз, цитоплазмада бўкиш ва гомогенлашиш кузатилди.

Диабетик панжа моделининг 7-куни ошқозон ости безида яллиғланиш инфилтрати пайдо бўлиши кузатилди. Бунда интерстициал тўқима ҳужайра элементлари пролифератив актив ҳолатида, толали тузилмалар томонидан эса қалинлашиш ва гомогенланиш кузатилди. Эндокрин оролчалар кичрайишда давом этиб цитоплазмада кариопикноз ва гомоген кўринишидаги ҳужайра элементларининг юмшаган деструкцияси аниқланди (4.10а-расм).

Тажрибанинг 10-куни ошқозон ости безида томирлар деворининг қалинлашуви, бўшлиғининг торайиши, атрофида яллиғланиш инфилтратининг пайдо бўлиши кузатилди. ООБ эндокрин қисми ҳужайралари ўлчамининг кичрайиши ва ҳужайра элементларининг деструкцияси сақланиб қолди.

